Т-940 98

БОЛАЛАРГА БЕПУЛ ЙЎЛЛАНМА

ФАРҒОНА. ЎзХДП вилоят кенгаши Оила йилида ёшлар тарбиясига муносиб ҳисса қўшиш, улар соғлигини мустаҳкамлаш борасида ибратли ташаббус бошлади. Кенгаш қарорига кўра кам таъминланган, ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларини ёзги таътилда турли оромгоҳларда бепул дам олишлари учун шароит яратилди. Вилоят кенгаши, касаба уюшмалари кенгаши ҳамда «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлими ҳамкорликда 500 нафарга яқин болани ёзги мавсумда бепул дам олишларини ташкил этишди.

Алишер ИБОДИНОВ

ХОМАШЁ ЧИҚИТ БЎЛМАЙДИ

БУХОРО. Вилоятда ҳар йили юзлаб тонна пилла етиштирилади. Аммо, унинг 180 тоннадан ортиғи ностандарт бўлиб, арзон-гаровга четга сотиларди. Жондор туманидаги «Бухоро» жамоа хўжалигида «Имкон-М» фирмаси билан ҳамкорликда Ўзбекистон—Хитой қўшма корхонасини барпо этилиши билан бундай камчиликларга чек қўйиладиган бўлди. Яқинда ишга тушадиган бу корхонада 400 тонна пилла қайта ишланиб, тола ҳолига келтирилади ҳамда кўйлакбоп мато тўқилади.

Даврон БАХРОНОВ

Зардўзлик сирлари — зар билан ўлчанар.

Ш. ШАРОПОВ (ЎзА) олган сурат.

БЕРУНИЙ ЎҚУВЛАРИ

НУКУС. Беруний туманида хайрли ишларга қўл урилмоқда. Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1025 йиллиги олдидан «Беруний ўқувлари» ташкил қилинди. Йиғилганлар олимнинг бебаҳо мероси, асарлари, жаҳон миқ-ёсида тутган ўрни ҳақида маърузалар тинглашди. Йиғинда Эрон Ислом Республикаси, Тошкент, Урганч ва бошқа шаҳарлардан келган меҳмонлар қатнашди. Йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси Темур Камолов иштирок этди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ

«УСТОЗ ВА ШОГИРД»

САМАРҚАНД. Вилоят ҳокимлигида оналик ва болаликни муҳофаза қилишга бағишланган семинар кенгаш бўлди. Республика соғлиқни сақлаш вазири вилоятда бу борада амалга оширилаётган ишлар, йўл қўйилаётган камчиликлар ҳақида гапирди. Мустақиллик майдонида эса миллий ҳунармандчиликка бағишланган кўргазма очилди. «Устоз ва шогирд» анъаналарига бағишланган кўргазмада Ургут, Тойлоқ, Оқдарё, Челак туманларидан келган 70 дан ортиқ ҳунарманд ўз буюмлари билан иштирок этди. Муҳими 372 нафар ёш халқ амалий санъати усталари билан ҳунармандчилик бобида шартнома тузди.

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 9 июнь, сешанба • № 68 (22.305).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

БУТЛОВЧИ ҚИСМЛАР КОРХОНАСИ

АНДИЖОН. Мамлакатимизда кунига юзлаб замонавий енгил автомашиналар ишлаб чиқарилаётгани ифтихор туйғуларини жўш урдиради. Яқинда ана шундай машиналар учун бутловчи қисмлар тайёрлаб берувчи қўшма корхона ҳам ишга туширилди. «ЎзСЭМЮНГ Ко» деб юритилувчи бу корхонада «Нексия», «Тико», «Дамас»лар учун йилига 200 мингта бензопарк ва турли ҳажмдаги эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилади. Корхонани «Андижонвилоят қурилиш» бинокорлари барпо этишган. Автоматлаштирилган ва компьютерлар билан таъмирланган корхонада 200 дан кўпроқ йигит-қиз меҳнат қилмоқда.

Аҳмадилло СОЛИЕВ

ОИЛА — ДАВЛАТ ТАЯНЧИ

ТОШКЕНТ. Оила йилида кўплаб хайрли ва ибратли тадбирлар амалга оширилмоқда. Мақсад соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, фарзандларимиз камоли ҳақида қайғуриш, ватанпарварлик, элим деб, юртим деб, истиқлол неъматларини янада бойитишга, юртимиз халқаро нуфузини оширишга бел боғлаган соғлом авлодни шакллантиришдан иборат. Сирғали туманидаги 284-мактаб лицейида уюштирилган «Мустақил оила – давлат таянчи» мавзуидаги ўзига хос кечада шулар ҳақида мулоҳаза юритилди. Собир Раҳимов номли маҳалла оқсоқоли Собир Орифжоновнинг ўз ҳаётий тажрибасидан келиб чиқадиган фикрлари кўпчиликка маъқул келди. Қизиғи шундаки, маҳалладаги қарийб 1180 оилада тинчлик ва хотиржамлик ҳукмронлиги тарбиявий ва ташкилий ишларнинг яхши йўлга қўйилганлигидан нишонадир. Йиғилишда шунингдек, ўқув йили якунлари, ёшларни дарсликлар билан таъминлаш, ўқувчилар формаси хусусида ҳам мулоҳаза юритилди.

Айниқса, икки ибратли оила — Ғуломов ва Кимларнинг ўзаро беллашувлари кечага файз киритди.

Умида МАНСУРОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 9 июндан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

1 Австралия доллари	52,97	1 Норвегия кронаси	11,89
1 Австрия шиллинги	7,09	1 Польша злотийси	25,73
1 Англия фунт стерлинги	144,66	10 Португалия эскудоси	4,89
10 Бельгия франки	24,19	1 Сингапур доллари	51,82
1 Голландия гульдени	44,28	1 СДР	118,63
10 Греция драхмаси	2,95	1000 Туркия лираси	0,34
1 Дания кронаси	13,11	1 Финландия маркаси	16,44
1 БАА дирхами	24,13	1 Франция франки	14,88
1 АҚШ доллари	88,63	1 Швеция кронаси	11,33
1 Миср фунти	26,05	1 Швейцария франки	60,02
1 Ирландия фунти	125,85	1 ЭКЮ	98,25
1 Исландия кронаси	1,25	10 Жанубий Корея вони	0,63
10 Испания песети	5,88	10 Япония иенаси	6,31
100 Италия лираси	5,07	1 Россия рубли	14,37
1 Канада доллари	60,71	1 Украина гривнаси	43,06
1 Хитой юани	10,70	1000 Белорусь рубли	2,47
1 Қувайт динори	293,48	1 Латвия лати	148,21
100 Ливан фунти	5,86	1 Литва лити	22,16
1 Малайзия рингтити	22,10	1 Молдова лейи	18,72
1 Германия маркаси	49,91	1 Қирғизистон соми	4,46

***) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

Тошкент фавворалари



Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) олган суратлар.

Лукма

«ПУЛ ЙЎҚ, ҲАФСАЛА ТАНҚИС...» ЭМИШ

Қарши туманидаги «Насаф» жамоа-ширкат хўжалигига қарашли Кўчкак қишлоғининг бир гуруҳ фуқаролари хўжаликда ичимлик суви йўқлиги ва шу туфайли бир машина сувни 300-400 сўмга сотиб олишаётгани, қишлоқ ариғи кўмилиб кетиб, шахсий томорқалари суғорилмай қолаётгани, хўжалик раҳбарлари ва туман ҳокимлиги бу масалага эътиборсизлик билан қараётганлиги ҳақида хат юборишганди.

Мазкур хўжаликда бўлиб, аҳволни ўргандик. Ҳақиқатан ҳам эски ариқни кўмилиб ётган ҳолатда кўрдик. Қарши шаҳри орқали «Чап қирғоқ» каналидан келадиган – 1990 йилда бунёд этилган бетон ариқда эса сувдан дарак йўқ. Натижада қишлоқ томорқалари суғорилмай қолмоқда. Сувнинг бош манбаи-гидроузелдан Кўчкаккача 2 километрлар чамаси масофа бор. Мутахассисларнинг фикрича, ариқдан 3,5 кубометр сув ўтаркан ва ўшанинг 0,5 кубометри Кўчкакка бемалол етади.

Шундай қилиб, минглаб анкирлар, бошқа турли мевали дарахтлар, боғлар қуриб кетяпти.

Сувнинг босими кам бўлиб, барча қишлоқларни таъминлашнинг имкони бўлмаган тақдирда ҳам хўжалик раҳбари сувнинг навбат билан таъминлаши лозим бўлади. Дейлик, бир кун бўйи Кўчкакка, эртаси куни Лағмонга... Шундай қилинса қадимги тутзорлар, боғлар қуриб кетмасди, одамлар томорқасига экадиган уруғнинг униб чиқишини, деҳқончилигининг натижасини меҳнатига яраша кўрар эди.

Ичимлик суви масаласига тўхталсак. Бу борадаги қийинчиликлар ҳам яққол кўзга ташланди. Одамлар бир машина сувни 300 сўмга сотиб олишаркан. Яна ўша сувлар санитария талабларига жавоб бермайдиган ҳовузларда сақланаркан.

Қишлоқдан унча узоқ бўлмаган жойдан Қарши-Мубарак ичимлик суви қувури ўтган. Қишлоқ аҳли қувур ўтказиб беришни талаб қилишаётгани йўқ. Хатда «... фақат ўша қувурдан қишлоғимиз учун фойдаланишимизга асос бўладиган қонуний ҳужжатни расмийлаштириб беришса бўлгани, қолганини ўзимиз ҳамжиҳатлик билан топамиз, ҳашар йўли билан амалга оширамиз» дейиладди.

– Бунақа хат бизга ҳам ёзилганди, энди шуғулланамиз-да, – дейди хўжалик раҳбари Ҳўжам Қурбонов пинагини бузмасдан, бамайлихотир қулимиздаги хат билан танишаркан. – Ҳали тўлиқ ўрганганимиз йўқ, ўзи бир ҳафтача бўлди олганимизга. Яна пулимиз йўқ...

Биз эса хўжалик раҳбари билан учрашганда, у кишидан тайинли бир гап ололмадик. Нима дейдилар денг? «Бу ерда фақат вазифа, мансаб талашиш бор» эмиш. Демак, бутун Кўчкак аҳолиси мансаб талаб этаётган эканда? Эҳтимол, бизга дардини тўкиб солган қишлоқнинг Халил бува, Расул бува, Парда бува сингари ёши улуғларига қандайдир вазифа керакдир...

Мазкур масала юзасидан Қарши туман ҳокимлигида бўлиб, у ердаги мутасадди кишиларнинг фикрини билмоқчи бўлдик. Илгари вилоят «Агромашсервис» ҳиссадорлик бирлашмаси раиси лавозимида ишлаб келган Сайфулла Хайруллаев яқинда туман ҳокими вазифасини бажарувчи этиб тайинланган экан.

– Ҳали ҳам орамизда эски тузумнинг чириган, яроқсиз услубларидан қутулолмаётган, аниқроғи, қутулишни истамаётган раҳбарлар йўқ эмас, – дейди у биз билан суҳбатда. – Бугунги ислоҳотлар бу тариқа фаолиятни кечирмайди. Юртбошимиз ҳар бир раҳбардан янгича фикрлашни, ташаббусни, халққа яқин бўлишни талаб этаётган бир пайтда айримлардаги аксинча кайфият тараққиётимизга тўғаноқ бўлмоқда...

Раҳбар билан оддий одамлар ўртасидаги муносабат жамиятнинг маънавий-ижтимоий муҳитини белгилаши ҳақида йўлбошчимиз Қашқадарё вилояти халқ депутатлари Кенгаши сессиясида сўзлаган нутқида шундай дедилар: «Оддий одамларнинг раҳбарга муносабати икки фуқаро ўртасидаги муносабатгина эмас. Айни пайтда у жамиятда қарор топадиган маънавий-руҳий, сиёсий-ахлоқий муҳитни ҳам яратади».

Сайфулла ака юқорида тўғри айтди. Ҳозирги замонда юртга фикри соғлом, имкониятсизликда ҳам имконият излайдиган тадбиркор раҳбарлар керак. Зотан, мамлакат истиқболи шуни тақозо этяпти.

Илҳом КАРОМОВ

Бу дунёнинг ишлари

ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛАРИНИНГ МАЖЛИСИ

Кеча Люксембургда Европа Иттифоқининг икки кунлик мажлиси бошланди. Бунда Европа мамлакатларининг Ташқи ишлар вазирлари иштирок этишмоқда. Ушбу мажлисда олий даражадаги Европа Иттифоқи мамлакатлари раҳбарларининг Буюк Британиянинг Кардифф шаҳрида бўлиб ўтадиган учрашуви олдидан кўриладиган масалалар муҳокама қилинади. Ушбу учрашув 15-16 июнь кунлари бўлиб ўтади. Юксак даражадаги учрашувда Болқон ярим оролидаги вазият муҳокама қилинади. Вазирлар эса Косоводаги кейинги кунлардаги воқеаларга эътиборини қаратадилар. Африка, Кариб ҳавзаси ва Тинч океан минтақасидаги мамалкатларда юз бераётган воқеалар ҳам назарда тутилади. Айниқса, Покистон ва Ҳиндистонда амалга оширилган ерости ядро синовлари наинки, Осиё қитъасига, балки бутун дунёга кўрсатаётган таъсири ҳақида ҳам фикр алмашилади.

БОШ ВАЗИРНИНГ АЙТГАНЛАРИ

Бирлашган Араб Амирликларига ташриф буюрган Покистон Бош вазири Навоз Шариф ушбу давлатга ядро мамлакатлари томонидан белгиланган иқтисодий жазо чораларини қоралади. У ўзининг Амирликларда чиқадиган «Ал-Иттиҳод» газетасига ёзма жавобларида бу жазо чораларини «адолатсиз, ноқонуний ва маънавиятга тўғри келмайдиган» қарорлар деб атади. Шу билан бирга Покистон Бош вазири ядро қуролларини тарқатмаслик ҳақидаги шартномани ҳам танқид қилди. Навоз Шариф Ҳиндистонни ҳам Жанубий Осиёдаги қуролланиш пойгасини авж олдиришда айблаб, Деҳлини Жамму ва Кашмир муаммосини ҳам қўшиб туриб, умумий музокараларга чақирди. У Бирлашган Араб Амирликларининг ҳукумат газетасига берган суҳбатида ядровий қуролланиш пойгаси Жанубий Осиёдаги вазиятни кескинлаштириб юбориши мумкин, деди. Шариф шу муносабат билан Ҳиндистон билан Покистон ўзаро тинчлик музокараларини йўлга қўйишлари зарурлигини айтди. БМТ Бош котиби Кофи Аннан эса Ҳиндистон билан Покистон ўртасидаги музокараларда ўз сиёсий ёрдамини аямаслигини айтди.

ҲАЛОКАТ ҚУРБОНЛАРИ

Покистоннинг Карачи-Пешовар йўналиши бўйича қатнайдиган йўловчи поезди портлаб кетиши натижасида камида 23 киши қурбон бўлиб, 75 киши жароҳатланди. Қурбон бўлганлар орасида 14 ёшга тўлмаган бешта бола ҳам бор эди. Полиция вакилининг хабарига кўра террорчилик ҳаракати Синд штатининг Хайпур шаҳридан 3 километр узоқроқдаги Кхибер аҳолий пунктига яқин жойда амалга оширилган. Кучли портлатиш қурилмаси 13 сонли иккинчи классли вагонни осмону фалакка учириб юборди. Вагонда эса йўловчилар лиқ-лиқ эди. Унга қўшни иккита вагон ҳам зарарланди. Ҳалокат юз берган жойда қутқарув ишлари амалга оширилмоқда. Мутахассисларнинг фикрича қурбонлар сони кўпроқ бўлиши мумкин. Портлатилган поездда умуман мингдан зиёд киши бор эди. Ҳозирча ушбу жиноятни ҳеч ким бўйнига олгани йўқ. Тергов ишлари давом этмоқда.

ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА ОЧИЛДИ

Сурия пойтахти — Дамашқда очилган «Нефть ва газ» халқаро кўргазмасида 25 мамлакатдан келган 170 га яқин компания иштирок этмоқда. Хорижлик иштирокчилар ўртасида айниқса АҚШликлар кўпчиликни ташкил этади. Американинг 20 дан зиёд фирмаси ўз маҳсулотлари ва технологиясини намойиш этмоқда. Кўргазма иштирокчилари орасида Франция фирмалари ҳам бор. Буюк Британия, Саудия Арабистони, Италия ва Норвегия фирмаларига ҳам кенг ўрин берилди. Кўргазмага қўйилган маҳсулотлар орасида нефть ва газни қидириб топиш, уни қазиб олиш, етказиб бериш билан боғлиқ барча жараёнлар намойиш этилмоқда.

ИРОҚ ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИДАН ВОЗ КЕЧМОҚЧИ

Ироқ Вазирлар кенгаши шанба куни бўлиб ўтган мажлисида хорижий мамлакатлардан инсонпарварлик ёрдами олишдан воз кечиши ҳақида қарор қабул қилди. Шу билан бирга Ироқ ҳукумати дўст мамлакатларга мурожаат қилиб, улардан Бағдодга нисбатан иқтисодий жазо чораларини олиб ташлашда ёрдам беришларини сўради. ИРНА ахборот агентлигининг хабарига кўра, БМТнинг «Нефть ҳисобига озиқ-овқат» дастури доирасида ҳукумат томонидан чет эллик компаниялар билан 15 та шартномага имзо чекилган экан. Ўз навбатида Ироққа кундалик зарур буюмлар ва дори-дармонлар келтирилади.

АСР ВАБОСИ

Кеча Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг гиёҳвандлик муаммосига бағишланган махсус сессияси ўз ишини бошлади. Инсоният келажагига жиддий таҳдид солаётган бу офатнинг таҳликаси, хавфи нечоғлик экаплигини мазкур анжуман ишида дунёнинг 195 мамлакати вакиллари иштирок этаётганлигидан ҳам билиб олса бўлади. БМТ ҳисоботига қараганда фақатгина 1996-1997 йиллар ичида Ғарб давлатларига умумий миқдори 75 миллиард АҚШ долларига тенг 240 тонна героин етказиб берилган...

Дунё ахборот воситаларида гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятлар асосий мавзулардан бирига айланиб бораётганига ҳали анча бўлди. Гарчанд, гиёҳвандликка қарши курашга бутун жаҳон афкор оммасининг диққат-эътибори қаратилаётган бўлса-да, ҳали бу борадаги жиноятлар сони камайганича йўқ. Бу иллатга жаҳоннинг турли томонларидаги машҳур кишиларининг ҳам аралашиб қолаётгани эса дунё ҳаритасидан бу бало кириб бормаган жойлар қолмаганини кўрсатса, ажаб эмас. Узоққа бормайлик, бугунги кунда «фалон жойда шунча миқдордаги гиёҳванд модда билан қўлга тушди, божхона текширувида шунча миқдордаги наркотик модда борлиги аниқланди», деган хабарларга кўникканмиз. Собиқ тузум даврида гўё бу иллат бизга бегонадек туюлган бўлсада, лекин ён атрофимизда гиёҳвандлик нақадар ривожланганини кейинроқ англадик.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон БМТнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида дунё миқёсида наркотик моддалар ноқонуний тарқатилишининг кескин ўсиб бораётганлигидан, унинг жамият ва инсон ҳаётига хавф солаётганидан ташвишланган ҳолда бу муаммони бартараф этиш юзасидан мамлакатимиз Президенти халқаро анжуманларда ўзининг аниқ таклифларини илгари сурмоқда.

Бу бежиз эмас, албатта. Чунки халқаро экспертларнинг хулосасига кўра, бугунги кунда дунё миқёсида содир этилаётган жиноятларнинг 74 фоизи у ё бу сабабларга кўра гиёҳвандлик ҳолати билан боғлиқдир.

1991 йилда республика миқёсида 154 гектар майдонда гиёҳванд моддалар устирилаётгани ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан аниқланган бўлса, амалга оширилган қатъий чора-тадбирлар натижаси ўлароқ 1997 йилга келиб, атиги 4,7 гектар майдонда гиёҳванд моддалар устирилаётгани аниқланиб, йўқ қилиб ташланган. Ана шу рақамлардан маълумки, бангилик билан «деҳқончилик» қилаётганлар сафи йил сайин кескин камайиб бормоқда.

Республика ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва божхона қўмитасидан хабар беришларича, жорий йилнинг шу ўтган даври мобайнида мамлакат миқёсида 1,2 гектар майдонда экилган гиёҳванд моддалар аниқланиб, йўқ қилиб ташланган. Турли шахслар томонидан асосан шимолга олиб кетилаётган 937 кг. гиёҳванд моддалар қўлга туширилган.

Фактларга мурожаат этадиган бўлсак, дилни сиёҳ қиладиган яна бир жиҳати бор. 1991 йилда мамлакат миқёсида ноқонуний равишда гиёҳвандлик билан шуғулланган шахслардан 747 кг. турли гиёҳванд моддалар тортиб олинган бўлса, 1997 йилда эса ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан жами 3 минг 308 кг. турли хил наркотик моддалар қўлга туширилган. Унинг 70,3 кг. мини ўткир таъсирга эга гиёҳванд модда — героин ташкил этиши ниҳоятда ташвишлидир. Бу далиллар 1996 йилги шундай «кўрсаткич»дан анча кам, аниқроғи ўша йили 7 минг 822 кг. дан кўпроқ гиёҳванд моддалар қўлга туширилган. Шу ўринда бундай рақамлар ортида гиёҳванд моддаларни мамлакатимиз ҳудудидан ғайриқонуний равишда олиб ўтиш ҳолатлари мужассам эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Мамлакатимизга гиёҳванд моддаларнинг кириб келишига ва олиб ўтилишига Афғонистонда давом этаётган биродаркушлик уруши ҳам сабаб бўлмоқда. Эслатиб ўтамизки, бу мамлакатнинг бир йиллик опий ҳосили **3 минг** тоннадан ошади. БМТнинг маълумотларига кўра 1995-96 йилларда жаҳон миқёсидаги наркотик моддаларнинг 39 фоизи Афғонистонда етиштирилган. Энг ўткир героин тайёрлашга ихтисослашган лабораториялар ҳам худди шу мамлакатда жойлашган. Айни пайтда Афғонистонда 100 га яқин героин ишлаб чиқариш бўйича тозаловчи заводлар ишламоқда. Кузатишлардан маълум бўлишича, сўнгги пайтларда турли халқаро наркогуруҳлар «Олтин яримой» деб аталаётган мамлакатлардан МДҲ ва Европа мамлакатларига гиёҳванд моддалар олиб ўтишда Ўзбекистон ҳудудидан фойдаланишга уринмоқдалар. Натижада маълум миқдордаги наркотик моддалар бу ерда «синтиб» кетмоқда.

Ўзбекистондаги гиёҳвандлик билан боғлиқ вазиятга Россиянинг наркогуруҳлари таъсир кўрсатмоқда. Бу мамлакат охирги пайтларда МДҲ ва ҳатто Европа ҳудудларида наркотик хомашёнинг асосий истеъмолчисига айланди. Россияда героин, олий, гашиш, марихуана каби кучли таъсирга эга наркотиклар бозори чаққон бўлганлиги сабабли бу мамлакатга гиёҳванд моддалар Афғонистон ва Тожикистондан Қирғизистон, Ўзбекистон, Қозоғистон орқали ўтказилмоқда.

Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасидаги давлат чегарасининг ёпилиши натижасида Ўзбекистонга автомобиль ва темир йўллар орқали келадиган наркотиклар ҳажми қисман камайди. Лекин ташвишлиси шундаки, Афғонистонда тайёрланаётган гиёҳванд моддалар Тожикистон ҳудуди ва «яшил чегара»лар орқали Ўзбекистонга кириб келиши ҳодисалари сақланиб қолмоқда. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, бу

(Давоми 3-бетда)

«Биз наркотик моддалар тарқатилишининг ҳалокатли оқибатларини сергаклик билан баҳолаган ҳолда, бу иллатга қарши курашда саъй-ҳаракатларимизни бирлаштиришимиз зарур.

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар ўртасида наркотик ва психотропик моддалар контрабандаси ва божхона қаллобликларига қарши кураш соҳасида ҳамкорлик қилиш бўйича ўзаро тушуниш ҳақида Меморандум тайёрлаш ғояси бу моддаларнинг ғайриқонуний савдоси ва олиб ўтилишига қарши курашда кўмаклашади, деб ўйлайман».

Ислом КАРИМОВ

Оқ ажал

Таълим ва ислоҳот

ХАЗИНАБОН МАКТАБГА КЕЛАДИ

Қишлоқдаги ўнлаб жиддий ва машаққатли юмушлар билан ўралиб қолган ҳокимлар мактабга етарли эътибор бера олмаётганлигини инкор этиш мумкинми? Йўқ. Зеро, юртбошимиз халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида:

«Вилоятда кейинги уч йил мобайнида ижтимоий соҳада, жумладан халқ таълими, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт, ижтимоий таъминот ва аҳолининг бандлиги, маънавият ва маърифат масалалари бўйича анча муаммолар ечилмасдан қолмоқда», — деб таъкидлади. Яккабоғ туманида бу соҳадаги ўзгаришларни бошқа туманларга нисбатан ижобий баҳолаш мумкин. Таълимни уюштириш, ўқувчи ва ўқитувчилар иқтидорлари синовдан ўтказилган кўрсаткичлар жамланса, туман халқ таълими бўлими 14-ўриндан 3-ўринга кўтарилибди. Сир-ку йўқдир-а, аммо ўз-ўзидан юз бермагандир бу ўзгаришлар?..

Юксак ишонч билдирилган, раҳбарларга хос бўлган ғурур туман ҳокими Равшан Нормуродовда кучли эканлиги яққол сезилиб турибди. Очиғи, тараққиётдан анча орқада қолган туманда эндигина бир йил ишлаган ҳокимнинг газ учун вагонлаб қувур келтираётганлиги, «Яккабоғ тумани» китоби чоп этилганлиги, нодир ёдгорлик Шайх Ёдгор Валламий мадрасаси таъмирланаётганлиги, ободончилик ҳақидаги мулоҳазалари эътиборни тортар эди. Кейин ҳокимнинг биринчи ўринбосари Илҳом Хидиров мактабларга эмас... далага бошлаб қолди....

Саккиз гектар майдонда мактабнинг ўзи помидор етиштириб, тайёрлов идорасига топширибди. Мактабга ажратилган далани кузда Бойқул Худоёров номли жамоа хўжалигининг раиси Асрорхон Акбаровнинг ўзи бошида туриб, яхшилаб шудгорлаб қўйишибди. Мактабга, эртага барча ишни қўлимиздан оладиган ёшларга қайишаётган раис билан ҳам учрашдик. Раис танти экан, ўзларига тегишли мактабларни қўллашга тайёр!

— Юртбошимиз таълим-тарбия соҳасидаги ўзгаришлар ва камчиликларни таҳлил қилар эканлар, бу соҳада янгиликка интилиш бўлмаса, ҳақиқий тараққиёт ҳам бўлмаслигини алоҳида уқтирган эдилар, - дейди туман халқ таълими бўлими мудири Исроил Келдиёров. — Раҳбаримиз таълимни жаҳон талаблари даражасига кўтариш вазифасини қўяётган эканлар, «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур», «Таълим тўғрисида» Қонун қабул қилинган экан, кўпроқ амалий ишларга эътиборни қаратмоқ лозим. Бошқача қилиб айтганда, вазифаларни шу миллий заминда, амалда ҳал қилиш йўлларини излаш талаб қилинмоқда. Нимасини яширамиз, мақсадга эришиш борасида зарур маблағ ҳамиша ҳам етишмаётгани, таъмирталаб мактаблардан кўз юмиш мумкин эмас. Масалан, туманимиздаги 260 мактабнинг 40 фоизи лойиҳа асосида қурилган, 5 та мактабимиз хароб аҳволда. Ўқув-техника воситалари оз, фақат 16 та мактабда компьютер мавжуд. Бундан ташқари иқтидорли ўқитувчиларни тақдирлаш масаласи ҳам бор...

Чунки бугунги таълим самарадорлиги, жаҳон андозаларига чиқиш ўқитувчига, унинг малакаси, интилишига боғлиқ. Хуллас, иқтисодий масалаларни ҳал қилмасдан туриб, бу вазифаларни уддасидан чиқиб бўлмайди. Туман ҳокимининг қарори билан мактабларимизга 3 гектардан тортиб 5 гектаргача алоҳида ер ажратиб берилди. Ҳомий ташкилотлар банкда жорий ҳисоби очилган 12 мактабга 30-40 минг сўмдан маблағ ҳам ўтказиб беришди. Қарорнинг бажарилишини ўзи назоратга олди. Пахта, сабзавот, помидор экдик. Натижада мактаблар ҳисобига 2,5 миллион сўмдан ошиқ маблағ келиб тушди.

— Ўқувчиларни далага банд этиб қўйиш... Хуллас, ўтмиш такрорланмаяптими?

— Шу пайтгача мактаб ўқувчиси ота-онаси ёнига - далага чиқаётганини инкор қиласизми? - сўрайди мудир. — Аммо бу сафар ўқувчиларни ўқишдан қолдирмасдан туриб ҳам ишни уддаладик. Уруғ, ўғит олинди, хўжаликлар ва тайёрлов идоралари билан шартнома тузилди. Олайлик, Шароф Рашидов номли хўжаликдан 2 гектар ер олган 50-ўрта мактаб жамоаси помидор экиб, 200 минг сўмга яқин фойда кўрди.

— Тушган маблағни нима қиласизлар? Ҳар ҳолда...

— Пул бўлади-ю, ишлатишни билмаймизми? - қувларча кулимсирайди Исроил Келдиёров. — Рости, қанча кўп маблағ бўлса, шунча яхши. Ўқув қуроллари сотиб олиш, мактабларнинг камкўсти, дегандай. Аммо сизга ўзгаришларни бир бошдан айтмасам бўлмас. Туманимиздаги мактабларда 4625 нафар ўқитувчи таълим бераётган бўлса, шундан 3372 нафари олий маълумотга эга. Улардан 112 нафари олий ва 1516 нафари биринчи тоифали ўқитувчилардир. Таълим жараёнини тобора такомиллаштириб, 2 та лицей ташкил этганмиз. 66 мактабда 21 фан бўйича таълим чуқурлаштирилган синфлар мавжуд. Таълим алоҳида режа асосида ўтилаётган синфлардаги ўқувчилар уч йил ўқигач, синовдан ўтказилиб бешинчи синфга кўчирилади. Буларнинг ҳаммаси ўқитувчиларимизга боғлиқ. Уларнинг астойдил қилаётган меҳнатлари туфайли вилоятда ўтказилган кўрикларнинг 8 турида ғолиб чиқдик. Таълим соҳасида юқори ўринларни эгаллаган ўқитувчиларимизга 3 ойлик иш ҳақига тенг мукофотлар бериб борилмоқда. Масалан, М.Қурбонов, Х. Орипова каби ўнлаб ўқитувчиларимиз тақдирландилар.

Ҳа, қишлоқ мактабларида таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш, иқтидорли ёшларни камол топтириш нафақат бугуннинг, балки келажак ишидир. Туман халқ таълими бўлими мудири ўринбосари Аҳмаджон Мираков, услубият маҳкамаси бошлиғи Хўжақул Ҳайитов билан суҳбатлашар эканмиз, дарсликларда ўзгариш камлиги, ўқув воситалари етишмаслиги тилга олинди.

Мактабларни таъмирлаш, ўқув қуроллари сотиб олиш, ҳар хил тадбирлар ўтказиш маблағсиз ҳал бўлмайди. Яккабоғ тумани қишлоқ мактабларида бугун янгиланиш сари қадам ташланаётган экан, булар катта ташкилотчилик самарасидир. Қатрада қуёш акс этади, дейдилар. Бу ҳам истиқлол шарофатидир. Насиб этса, таълим соҳасида жаҳоннинг тараққий этган мамлакатларига тенглашамиз. Бу тизимдаги ҳар бир янги қадам кўзланган манзилга элтади.

Юнус УЗОҚОВ.
«Ўзбекистон овози» мухбири

Менда таклиф бор

НУРХОНАЛАР КЎПАЙСА...

Инсон боласи қачон олов ёқиб, зулматни ёритганини билиш қийин. Зеро, бугунги кунда ҳаётни электр нурисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ҳар замонда бир сабаб билан қисқа муддатга электр учиб қолгудек бўлса, хаёлимизда дақиқалар соатга айлангандек бўлади. Ишимиз юришмай, кўнглимиз ёришмай қолади. Ҳозир бундай қувват манбаи ёрдамида қанчадан-қанча юмушлар адо этилаётганини санаш ҳам осонмас. Аммо масаланинг бир томони ҳам борки, биз ҳамиша ҳам бундай холис хизмат манбаини қадрига етавермаймиз. Шуни мамнуният билан эътироф этиш мумкинки, мустақиллик туфайли юз берган буюк ўзгаришлар даврида ҳам мамлакатимиз аҳолиси электр қувватига бўлган эҳтиёжда танқислик сезмади. Юртимиз МДҲ давлатлари ичида электр билан таъминланиш борасида юқори ўринда туради.

Биздаги муаммолардан бири шуки, нурхоналаримизнинг аксарияти ёқилғи ҳисобига фаолият кўрсатади. Тўғриғоғи, иссиқлик электростанцияларимиз етарли. Шунингдек, гидроэлектростанциялар 13-14 фоизни ташкил этади. Масаланинг бир нозик тарафи шундаки, сув билан ишловчи электростанциялар қувватини камайтириш ёки ошириш осонроқ кечади. Баъзида шундай бўладики, электр қувватига бўлган истеъмол графигини кўрганда жадвал нуқтаси юқорига кўтарилиб кетганини кузатиш мумкин. Иссиқлик электростанцияларини бундай аҳволда бошқариш қийинроқ кечади. ГЭСларда эса истаган агрегатни тўхтатиш ёки аксинча, ишга тушириш мумкин. Гидроэнергетиканинг хосиятли экани ҳам шундан.

Тўғрисини айтганда, ГЭСларимиз қуввати етарли эмас. Фақат, Чорвоқ ГЭСидан кўнглимиз тўқ. Ваҳоланки, электростанциялар 30 фоиз, яъни энг юқори нуқтада ишлаши лозим. Юртимизда эса бу кўрсаткич 12 фоиздан ошмаяпти. Қирғизистон, Тожикистонда ГЭСларга кўпроқ суянишади. Умуман, Марказий Осиё республикаларида ГЭСлардан юқори қувват олиш ҳам шу мамлакатларга хосдир.

Келажакда мустақил энергетикамиз барқарорлигини таъминлаш учун ички имкониятларни ишга солиш пайти келганга ўхшайди. Оқар сувларимиз етарли. Чорвоқдан юқорироқда Пском дарёси бор. Ундан нарида Чотқол, Қуксув, Угом дарёлари оқиб турибди. Биргина Тошкент воҳасида тўртта дарё. Мулжал бўйича Чотқолда қуввати Чорвоқдан бир ярим баробар кўп бўлган ГЭСни бунёд этиш мумкин. Пскомда тўрткаскадли ГЭС қурилса, айни муддао бўлур эди. Боиси, ҳозир нефть-газлар керагидан ортиқ ишлатилмоқда. Ривожланган мамлакатлар, хусусан АҚШда табиий бойликларнинг исроф бўлишига йўл қўйилмайди. Норвегияда халқ хўжалигида электр энергиядан фойдаланиш 9,5, Японияда 70 фоизни ташкил қилади. АҚШда эса 40 фоиз. Олдингидан оққан сувнинг қадри йўқ деганларидек, мамлакатимиз гидроэнергетикаси юзага келган муаммолари ҳал қилгани маъқул.

1995 йилдан кичик гидроэнергетикани ривожлантиришга эътибор ортди. Тўртта гидроэлектростанция қурилиши бошланди. Келаси йилнинг биринчи чорагида Тупаланг ГЭСининг дастлабки агрегати ишга туширилади. Оҳангарон, Андижон, Ҳисорак ГЭСлари қурилиши жадаллик билан олиб борилмоқда. 2010 йилгача юртимизда 140 та электростанция қуриб битказилиши кўзда тутилган.

Пском ГЭСи лойиҳасини тугаллаганмиз. Бу ҳужжат ҳақидаги фикрлар ижобий. Бу ГЭС қурилса, пойтахт аҳолисининг ичимлик сув билан таъминлаш ҳам янада яхшиланади. Хорижий, хусусан Европа ва жаҳон банки вакиллари Пском ГЭСи билан қизиқиб қолдилар. 404 минг киловатт электр қуввати манбаига эга бўладиган Пскомнинг келажаги порлоқ, дейиш мумкин. Қурилиш ҳам ўзига хос давом этади. Қурилишнинг тўртинчи йили охирида биринчи агрегат ишга тушади. Бунёдкорлик эса давом этаверади. Бу билан сарф-харажат аста қопланаверади. ГЭС 900 гектар майдонни эгалласа ҳам бу ерда истиқомат қилаётган аҳоли кўчирилмайди. Боиси, уйлар сув сатҳидан юқорида жойлашган. Шунингдек, она-табиатга зарар етказмаслик чоралари ҳам кўрилган. Муҳими, ГЭС қурилиши баҳонасида тўрт минг киши 10 йил мобайнида иш билан таъминланиши мумкин.

Чорвоқ ГЭСи 600 минг киловатт энергия беради. Демак, Пском иккинчи ўринни эгаллайди. Шу қувватдан фойдаланиб, электроэнергия манбаини зўрайтириш натижасида тоғлар бағрида обҳаёт ҳавзаларини вужудга келтириш, оромгоҳларни ташкил қилиш, табиатимиздан баҳраманд бўлишга йўл очиб, соғлом турмуш тарзини юзага келтиришга замин яратиш кўзда тутилган.

Фаррух МИРЗАЕВ,
«Тошгидролойиҳа» Давлат ҳиссадорлик жамияти бош директори.

ОЧИҚ ЭШИК



Бойнинг эшиги бақувват бўлади. Хонадонига темирдан, корхонасига эса жуфт табақалисидан ўрнатади. «Жуфт табақали»нинг қўш табақали эшикдан фарқи – бири ташқарига, иккинчиси ичкарига очиладиган бўлади. Қайсики корхона ё ташкилот раҳбарининг эшиги ҳам ташқарига, ҳам ичкарига очилиб-ёпиладиганиданми, билингки, улар шунга яраша бой-бадавлат. Тадбиркорликда донг таратган қибрайлик Болтабой Умаров ҳузурида бўлганимизда ўзимиз гувоҳ бўлдик. Энг бадавлат кишининг эшиклари ҳамиша ланг очиқ тураркан. Қачон қараманг, Қибрай қурилиш материаллари хусусий корхонаси директори кабинетининг жуфт табақали эшиклари очиқ.

Корхона раҳбарига «алоқаси бўлмаган» савол бердик:

— Эшикларингиз ҳамиша очиқ туриши боиси нимада?

— Ошинг ҳалол бўлса — кўчада ич! — Ўз ўрнида мақолни топиб айтди Болтабой Умаров. — Худога шукр, шу ҳалол ошимиз ҳам кўпга татияпти. Ана, қабулхонада кўргазма учун қўйилган мармар буюм дейсизми, жиҳозми, ишқилиб, барча билан баҳам кўрадиган маҳсулотларимиздан. Анави «телеминора»га ўхшаши фаввора. Ҳозир замонавий иморат қураётганлар ҳовли ўртасига фусункор фаввора ўрнатишга ҳам иштиёқмандлар. Худди, ҳинд киноларидек бадавлат кишиларнинг ҳовлиларидаги фавворалларга ўхшаш. Дарвоқе, ўзимизнинг Тошкентдаги Амир Темур музейи ҳовлисида ҳам шунақа фавворалар бор. Зилол сувлари тарам-тарам бўлиб оқишини кўрсангиз дилингиз яйрайди. Шунақа ноёб жиҳозларни ҳовлибоп қилиб ясаяпмиз. Энг яхши мармар тошлардан ясалади. Ўта чидамли. Абадул-абад ҳовлингиз кўркига кўрк қўшаверади. Ёнидаги мармар «устунча»лар ҳам кўпқаватли уйларга асқотади. Юқори қаватларга зиналардан чиқилади, тўғрими? Зиналар ёнига эса «суянчиқ» – панжара керак. Ўшанга бежирим устунчалар ясадик. Зина адоғидаги «муюлиш»да турадиган устунча силлиқ, бежирим бўлса қандоқ яхши. Тепа қисмига мармардан юмалоқ «глобус»га ўхшаш силлиқ жиҳоз ўрнатдик. Булардан ташқари мармардан гулдонлар, турли жиҳозлар ишлаб чиқаряпмиз. Ҳамма-ҳаммаси хонадонлар, оилалар учун. Хўш, одамлар учун шунча нарса яратсагу, эшигимиз ёпиқ турсинми?

Тадбиркорнинг эшиги ҳамиша очиқ туриши «таъбири» чакки эмас. Демак, ишбилармону тадбиркорлар аксарияти аввало ўзлари бой-бадавлат бўлишлари учун интилсалар, Болтабой ака биринчи галда ўзгаларни ўйлайдиганлардан. Топганини бошқалар билан баҳам кўради. Ўтган йили корхонасига туташ Ойбек, Улуғбек кўчаларида жойлашган хонадонларни тўлиқ газлаштириш учун 250 погонометр ўрта босимли ва 500 погонометр паст босимли газ қувурлари ўтказилди. Битта корхона ҳисобидан шунча

Тадбиркор ҳузурида



қурилиш ишларини амалга ошириш айтишга осон.

Хусусий корхона раҳбари билан суҳбатлашсангиз дилингиз яйрайди. Корхона жамоаси бу йил 30 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга бел боғлаган. Ундан 7,5 миллион сўмлик даромадга эга бўладилар. Оила йилида бу сахий тадбиркор жамоа нақд 2 миллион сўмини кам даромадли оилаларга хайрия қилишни ният қилган. Оталиқдаги мактаб ва боғчани рисоладагидек таъмирлаш учун эса 1 миллион сўм ажратилиши кўзда тутилган. Уруш ва меҳнат фахрийларига, ногиронларга эса 200 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилади. Шунингдек, Қибрай шаҳарчасидаги «Соҳибкор» маҳалласи оқсоқоллари биносини бунёд этишга 50 минг сўмлик қурилиш ашёлари сарфланади.

Хусусий корхонада фақат бир оила аъзолари ё қариндош-уруғларгина фаолият кўрсатади, деганлар янглишади. Ишни дўндирадиганлар – асл мутахассислар бўлишади. Болтабой ака раҳбарлик қилаётган жамоада ўндан ортиқ миллат ва элат вакиллари бир оила аъзоларидек меҳнат қилишаётир. Тошдан гул ясайдиган моҳир усталардан тортиб, темирдан нақшинкор эшигу панжараларгача қиладиган мутахассисларгина сараланган бу ерда. Ғовакли бетон плита, иморатлар пойдевори учун махсус блоклар, оҳакли қоришмалар, миллий услубдаги эшик-ромлар, қўйингки, қурилиш учун зарур бўлган жамики ашёлар бу ерда муҳайё.

Ҳозирги кунда хусусий корхонада 50 нафар устаю ишчи-хизматчилар фаол меҳнат қилишаётган бўлса, йил охиригача яна 20 га яқин ишчи ўринлари вужудга келтирилиши режалаштирилган.

— Қайсики корхонада бўлмасин, ишчи-хизматчиларнинг сонидан кўра салмоғи муҳимроқдир, – дейди Болтабой ака. – Иш билганга минг танга, деган мақол ҳам бежиз айтилмаган. Корхонамизда ҳақиқий ишбилармон кишилар меҳнат қилишади. Ғулом Рихсибоев, Вилен Унрау, Виталий Югай, Дилфира Милентева, Мирзакарим Абдуллаев, Шермат Шаметов, Тулабой Рихсибоев, Абдухалил Алимбоев, Фарид Раҳимов, Собир Авазов, Қурол Дуйсенов, Владимир Ивакин синғари ўз ишининг моҳир усталари билан ҳар қанча фахрлансак оз.

Ҳамиша очиқ эшикка фаришталар келаркану файз-барака улашаркан. Буни мазкур корхона мисолида ҳам кўриш мумкин. Ҳар очиқ эшиклардан ҳамиша барака келаверади.

Тўлқин ЭШБЕК

МАНФААТДОРЛИК – МУВАФФАҚИЯТ ОМИЛИ

Ҳукуматимизнинг пиллачиликни ривожлантириш борасидаги кейинги қарор ва кўрсатмалари бу соҳадаги муаммоларни бартараф этишга, пиллакорларни рағбатлантириш ва уларнинг манфаатдорлигини оширишга қаратилганлиги сезилиб турибди. Манфаатдорлик бор жойда муваффақият ҳам бўлаверади.

Куни кеча Қашқадарё вилояти пиллакорлари шартнома мажбуриятини бажаришди. Уларнинг нияти — жами ҳосилни 2 минг тоннага етказиш.

* * *

Самарқанд вилояти пиллакорлари маррага етишди. Улар қабул пунктларига 2 минг тонна «кумуш тола» топшириб, шартнома мажбуриятини бажардилар. Ялпи хирмонга Нарпай, Пахтачи, Каттақўрғон, Жомбой туманлари миришкорлари айниқса, катта ҳисса қўшди. Айрим жамоа хўжаликларида ҳар қути уруғидан 90-100 килограммгача ҳосил олишга эришилди.

* * *

Сирдарё вилояти пиллакорлари ҳам маррага етишди. Қабул пунктларига 315 тонна қимматли саноат хомашёси топширилди. Бу муваффақиятга Сайхунобод, Гулистон, Боёвут ва Оқолтин туманлари «кумуш тола» ижодкорлари салмоқли улуш қўшдилар. Илғор пиллакорлар ҳар қути уруғдан 70-80 килограммдан ҳосил олишга эришишди. Пиллакорлар яна 20 тонна хомашё топширишга аҳд қилдилар.

МИСҚОЛИ ҲАМ ЗАҲАР

Ёмоннинг бир қилиғи ортиқ

Бухоро шоҳбекати ички ишлар ходимлари йилнинг дастлабки чорагида 20 килограммдан зиёд кучли таъсир этувчи гиёҳванд модда — қорадорини жиноятчилардан тортиб олиб, йўқ қилишга муваффақ бўлдилар. Яқинда эса улар бир кунда гиёҳванд моддалар билан боғлиқ учта жиноятни фош этишди.

Бухоро шоҳбекати тармоқ ички ишлар ходимлари Тошкентдан Волгоградга кетаётган поезд вагонларини атрофлича текширишарди. Шу пайтда 6-вагон йўловчиларидан бири ўзини безовта тута бошлади. Шубҳа уйғотган 20 ёшлар чамасидаги бу йигит билан батафсил танишилганда, унинг Қирғизистон Республикаси Жалолобод вилоятининг Жалолобод туманидан эканлиги, ёнида эса 18 грамм миқдордаги энг кучли таъсир этувчи гиёҳванд модда — «героин» борлиги маълум бўлди. Оқибатда меҳмон Паҳлавон Тошмирзаевнинг Бухорода «тушиши»га тўғри келди.

Кундузги соат иккиларда ҳам Бухоро — 43-разъезд бекатлари оралиғида кетаётган 54-сонли Тошкент — Нукус поездидан яна бир жиноятчи кимса тутилгани ҳақида навбатчилик қисмига хабар келиб тушди. 10-вагон йўловчиларидан бири, Тожикистоннинг Хатлон вилояти, Бахтар туманида яшовчи фуқаро, 25 ёшли Ҳасан Лойиқов 20,5 грамм заҳриқотил бозорда жуда қиммат турувчи «героин»ни олиб ўтиб кетмоқчи экан. Аммо, «Граф» лақабли искович ит уни «ушлаб» қолибди.

Кечки соат 6 да эса Нукус — Тошкент поездининг 10-вагони йўловчиларини кузатаётган милиция ходимлари 30 ёшлардаги туркман йигитнинг ўзини тутишидан гумонсираб қолишди. Улар ростдан ҳам адашишмаган экан, бу йўловчининг ёнидан ҳам озгина бўлса-да гиёҳванд модда топилди. Қўшни Туркманистоннинг Мари вилояти, Байрамали туманидан келаётган бу ҳисобчи йигит энди Ўзбекистон Қонунини бузганлиги учун жавоб беради.

Нақлиёт ички ишлар ходимлари ҳудди шундай кам миқдордаги заҳарли моддаларни олиб ўтишга уринаётган кишиларнинг ҳам йўлини тўсмоқдалар. Чунки, тома-тома кўл бўлур, дейдилар. Бунга эса асло йўл қўйиб бўлмайди. Заҳарнинг мисқоли ҳам заҳар.

Шуҳрат РЎЗИЕВ,
ИИВ Нақлиёт ИИБ ходими,
милиция катта лейтенанти

НАҲОРГИ ОШЛАР КОНИ

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси

Оддий иш кунларидан бири, қўмита фаоллари йиғилишиб эндиги режаларни муҳокама қилишаётганди. Мавжуд муаммолар, камчиликларни бартараф этиш юзасидан фикр ва таклифлар тингланди. Шунда қўмита раиси «Катта спортда нисбатан яхши натижаларни қўлга киритаётган бўлсак-да, республикамизда аҳолини жисмоний тарбия билан шуғулланиши қониқарли даражада эмас», деган фикр билдирди. Бу мулоҳаза бизда қизиқиш уйғотди ва йиғиндан сўнг раис билан суҳбатлашдик.

— Баҳодир Махситович, аҳолини жисмоний тарбия билан шуғулланишига айрим урф-одатларимиз ҳам салбий таъсир кўрсатаётганлигининг сабаблари нимада деб ўйлайсиз?

— Ҳаммамизга маълумки, энг асосий мақсадлардан бири — мамлакатимиз аҳолисини соғломлаштириш, авлодни соғлом, ҳар томонлама баркамол тарбиялашдир. Мустақиллигимиз даврида бу борада талайгина ишлар амалга оширилди. Юртимизда бу ҳаракат изчил давом эттирилмоқда.

Бизга ҳозир ҳам, келажакда ҳам соғлом, забардаст, ҳар томонлама етук ўғил-қизлар керак. Шу боис, соҳибқирон Амир Темурнинг «Фарзандлари соғлом Ватан қудратли бўлур», деган ибораси шиоримизга айланган. Ана шунинг учун ҳам мамлакатимиз раҳбари бу борада жиддий қайғурадилар.

Хабарингиз бор 1992 йилда «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида» Қонун қабул қилинган. Бундан ташқари соҳамизни оммавийлаштириш ва ривожлантиришга доир қатор қарорлар ҳамда «Соғлом авлод учун» давлат дастури мавжуд.

Буларнинг замирида энг аввало жисмоний тарбия орқали халқимизнинг сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлаш, фарзандларимизни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш мақсади ётади.

Қандай қилсак аҳолининг кенг қатламини жисмоний тарбия билан шуғулланишга жалб этиш мумкин? Қандай қилсак спортимизда бугунгидан ҳам яхшироқ натижаларни қўлга киритамиз? Шулар тўғрисида кўп ўйлайман. Мана шу саволларга жавоб излаганда кўпгина миллий урф-одатларимизга ҳам мурожаат қилишга тўғри келади. Қайси одатларимиз бизга маъқул келадию, қайсилари эриш туюлади. Буни айрим мисолларда кўриб чиқсак.

Мана, тўй-маъракаларимизда наҳорда ош берилади. Шу ошларнинг вақти аллақачон муаммо даражасига бориб етди, деб ўйлайман. Биринчидан, маросим эгалари, яқинлари, маҳалла аҳли, ҳатто мактаб ёшидаги болалар ҳам ош бўлган куни тўйиб ухлашмайди. Каллаи сахарлаб ошга келадиганлар ҳали тун яримдаёқ туришлари керак. Ҳолбуки, бу пайтда борлиқ уйқуда бўлади. Ана шу кишиларнинг ҳаммаси жамиятимиз аъзолари. Бири ўқувчи, бошқаси талаба, қолгани ишчи, хизматчи, яна хўжалик, ташкилот раҳбарлари. Хуллас, ошдан кейин кимдир ўқишга, кимдир ишга бориши керак. Энг хавфлиси — келажагимиз давомчилари бўлмиш ўсмирлар, ёшларнинг ҳам бундай тадбирларда барвақт иштирок этаётганликларида.

Бугун ҳар бир фарзандимизнинг — у ўғил болами ёки қиз болами қандай илм олаётганлиги, бўш вақтини қандай ўтказаётганлиги, қачон туриб, қачон уйқуга ётаётганлиги, жисмоний соғлом бўлиши учун қандай машғулотлар билан шуғулланаётганлиги, ҳаттоки, нима еб, нима ичаётганлигигача бизнинг диққат-марказимизда бўлиши керак. Бугун биз мана шу ишларни бажармасак, эртага кеч бўлади. Биз келажакка ҳар томонлама баркамол фарзандларни етказиб беролмай қоламиз.

Урф-одату тадбирларимиз бундай ишларни амалга оширишимизга қандай таъсир кўрсатяпти? Ана шуларни яхшилаб таҳлил қилиш натижасида аввало наҳорги ошлар вақтини ўзгартириш керак, деган хулосага келдим. Бу, урф-одатларимизга, тўй-маросимларимизга қаршиман, дегани эмас, албатта. Аксинча, ўзбекона удуму анъаналаримизни эъзозлайман. Эл қатори бундай тадбирларда иштирок этаман.

— Таҳлилингиз хосиятларини батафсилроқ тушунтирсангиз.

— Наҳорги ошга бориш учун қачон туриш керак? Ўйлаб кўринг. Соат 3-4 ларда турган бола ёки талаба дарсни қандай ўзлаштиришадию, қандай таълим олади? Ёки меъёрида ухлаб, дам оламаган хизматчи идорасига келиб тўлақонли ишлаши мумкинми?

Мана ёз ҳам бошланди. Бу ёғи то кеч кузгача тўйлар, маросимлар. Энди кунда, кунора гоҳ у, гоҳ бу ерда ош. Юртимизда 12559 та маҳалла бор. Тошкент шаҳрида эса 473 та маҳалла мавжуд. Агар ҳар бир маҳаллада кунига биттадан ош бўлса (бу табиий) ва шу тадбирларнинг ҳар бирида ўртача 500 кишидан одам қатнашса, пойтахтнинг ўзида 250 000 га яқин киши ана шу тадбирларда иштирок этади. Ҳали маросим эгалари ёки уларнинг қариндош-уруғлари ҳисобда йўқ. Демак, шунча кишининг меҳнат қобилиятига ва саломатлигига маълум даражада путур етмоқда.

Агар мамлакат бўйича кунда ошга борадиганлар миллионларни ташкил қилиши ҳақида ўйласак, ечимини кутаётган муаммо юзага келиши аниқ. Наҳорги ош вақтини ўзгартириб, маҳаллаларда спорт билан шуғулланиш, саломатликни мустаҳкамлаш, соғлом авлодни шакллантириш йўлида саъй - ҳаракат қилиб, майдончаю спорт залларини кўпайтириб, аҳолини эрталабки бадан тарбияга жалб этсак, нонушта тартибига риоя қилсак, мақсадга мувофиқ бўларди.

Ҳамма ҳам ўз вақтида ухлаб, дам олиб саломатлигини яхшилашни хоҳлайди. Ҳеч ким тун ярмида туриб ошга боришни ҳавас қилмаса керак. Меҳр-оқибат, инсоний бурч важидан тонг саҳарлаб айтилган жойга ошга боришга мажбур бўляпмиз, холос.

Ошга борган киши ўзида чарчоқ сезади ва бу ҳолат кундалик иш фаолиятига салбий таъсир кўрсатади. Ҳар бир куннинг ўз ташвишлари бор. Шуларни бугун қилиб улгурмасанг, эртага янада кўпаяди. Ошга бормаган, яъни меъёрида ухлаб дам олиб келган одам эса ўзини мутлақо бошқача ҳис қилади: ишлар юришгандек бўлади, толиқмайди, тадбирларда, йиғинларда ўзини бардам сезади. Кейин уйига ҳам тетик қайтади.

Масаланинг яна бир муҳим жиҳати бор: ошга келган кексами, ёшми бир хил кучли овқатни тонг саҳарлаб истеъмол қилади. Ачинарлиси, тонгни бадантарбия ўрнига ош ейишдан бошлаймиз. Мақсад нима? Мантиқ қаерда? Ким бизни саҳарлаб ош ейсан, деб мажбур қиляпти? Бунинг киши организимига қандай таъсири бўлади, миллатимиз тараққиётига наф келтирармикан?

— Авлодни баркамол тарбиялашга хизмат қиладиган урф-одатларимиз хусусида нима дейсиз?

— Минг шукрларким, ҳамма ҳавас қилса арзийдиган ажойиб урф-одатларимиз кўп. Ҳозир уларни бирма-бир санасак суҳбатимиз чўзилиб кетади. Лекин айримлари ҳақида тўхталмасак бўлмас. Биз илдизи бақувват, маънавияти ва маданияти юксак миллат вакилларимиз. Бундан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Орзу-ҳавасли, серуруғ, серфарзанд халқмиз. Шу боис тўй-маракаларимиз беҳисоб. тадбирларимиз кўп. Ўзига хос анъаналаримиз бор. Улар орасида кишининг ҳам жисмоний, ҳам маънавий камолотига ҳисса қўшадиганлари талайгина. Айниқса, мустақиллигимиз йилларида халқимиз ҳаётида қайтадан тобора чуқур илдиз отиб, ҳаётимизга кенг кириб келаётган халқ миллий спорт ўйинлари ана шулар жумласидан.

Қадим замонларда ҳам авлод-аждодларимиз фарзандларининг ҳар томонлама камол топишига катта эътибор билан қарашган. Мисол учун болани ёшликдан от миниб чавандозлик қилишга, кураш тушириб паҳлавон бўлишга, турли мусобақаларда қатнаштириб ориятли, қўрқмас, ғолиб бўлишга ўргатишган. Касб-ҳунар

1 2 3 4

АСР ВАБОСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

ўтказишлар пухта уюштирилган ҳолда, аниқроғи, баъзан қабиҳ ниятни қурол ишлатиш йўли билан амалга оширишга уринилмоқда. Масалан, 1997 йилда МХХ томонидан олти нафар қуролланган, чегара бузувчи контрабандистлар фаолиятига чек қўйилди. Улардан 248 кг. наркотик моддалар ва ўт очувчи қуроллар тортиб олинди. Яна бир мисол, 1997 йил 3 декабрь куни Душанбедан Термизга келаётган Тожикистон фуқароси Сахиев А. га тегишли автоулов кўрикдан ўтказилаётганда унинг ёнилғи бакидан 11 кг. 570 гр. героин топилди. Ўтган йил 21 августда Россия фуқароси Даврушенко В. га тегишли автомашина текширилаётганда унда оз эмас 47 кг. 600 гр. опий бор экан. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Қуйида қўшни Марказий Осиё давлатларида наркобизнес билан боғлиқ айрим факт ва рақамларни келтиришни лозим топдик.

ТОЖИКИСТОНДА

Инсон руҳиятига кучли таъсир этувчи ва гиёҳванд моддаларнинг жамиятдаги айланишини тўхтатиш ҳақидаги қатъий фикрларга қарамасдан Тожикистонда гиёҳванд моддаларни етиштириш, ташиш ва уни истеъмол қилиш ҳоллари кескинлашиб бораётгани аниқ мисолларда кўринмоқда. Масалан, 1997 йилда Тожикистонда 4 тонна, 600 кг. гиёҳванд моддалар ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан қўлга туширилган. Республика Президенти И. Раҳмонов мамлакат хавфсизлик кенгашининг ана шу мақсаддаги кенгайтирилган мажлисида ҳам, гиёҳвандлик ҳолатлари кўпаяётганлиги, айниқса наркобизнес «мамлакат хавфсизлигига таҳдид» солаётганини ва бу нарса «миллий фожиа» эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтган.

Тожикистон расмий вакилларининг «Новости» агентлиги мухбирига таъкидлашича, бу мажлиснинг зарурлиги энг аввало наркотик моддаларни истеъмол қилувчилар сони юқори суръатларда кўпаяётганлиги, айниқса ёшлар ўртасида бу ҳолат кескин ошиб бораётганлигидир. Бангиларнинг заҳру қотилдан укол йўли билан фойдаланишларининг муттасил ўсиб бориши мамлакат раҳбариятини ташвишлантирмоқда. Чунки бу иллат мамлакат аҳолиси ўртасида СПИД касаллиги тарқалишининг хавфини оширади. Бугунги кунда Тожикистонда 2211 нафар бангилар тиббиёт шаҳобчалари рўйхатида турибди. Бундан ташқари наркобизнес жиноятлари билан боғлиқ бўлган фактларда республика ҳуқуқни ҳимоя қилувчи идоралари ходимларининг ҳам маълум маънода, рўй-рост қўли борлиги матбуот котиби томонидан таъкидланган. Масалан, ўтган йили 25 нафар ана шундай идоралар масъул ходимларидан 134 кг. 857 гр. гиёҳванд моддалар тортиб олинган. Шундан 128 кг. ни опий, 5 кг.ни героин ташкил қилади.

Расмий хабарларга қараганда ўтган йили республикамизда 268 нафар Тожикистон фуқароси гиёҳванд моддалар билан қўлга туширилган. Улардан бир тонна атрофида бўлган наркотик моддалар тортиб олиниб, йўқ қилиб ташланган. Энг аянчлиси шундаки, шу йилнинг ўтган даври мобайнида атиги бир ҳафта ичида Тожикистон ва Ўзбекистон чегара постида бир тоннага яқин наркотик моддалар ушлаб қолинган. Ана шу гиёҳванд модданинг 100 килограммини энг ўткир гиёҳванд модда — героин ташкил қилишини Тожикистон раҳбари уша йиғилишида алоҳида таъкидлаб ўтган.

ҚОЗОҒИСТОНДА

Ўтган йили Қозоғистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан мамлакат ҳудудидан 17 тонна наркотик моддалар қўлга туширилиб, мусодара қилинди, — деб хабар қилади БМТнинг гиёҳванд моддалар устидан назорат қилиш халқаро дастури координатори Алма Есергенова. У шу кунларда БМТ Бош Ассамблеясининг гиёҳванд моддалар устидан халқаро назорат муаммолари юзасидан ўтказилаётган анжуман аввалида Алматида ўтказган матбуот конференциясида бу фикрларини айтганди.

Гиёҳванд моддалар билан шуғулланиш, уни ташиш, истеъмол қилишнинг ҳунук оқибатлари Қозоғистон ҳукуматини ҳам ташвишлантириб турибди. Ана шу иллатларни йўқотиш учун ҳам ҳукумат раҳбарларининг илтимосига биноан БМТнинг гиёҳванд моддалар устидан назорат қилиш халқаро дастури томонидан махсус режа ишлаб чиқилмоқда. Бу режа 1999 йилдан 2003 йилгача босқичма-босқич амалга оширилиши мўлжалланмоқда.

ТУРКМАНИСТОНДА

Туркманистон Миллий хавфсизлик қўмитаси ва Мари вилоят божхона хизматчилари ҳамкорликда ўтказган операцияда Туркманистон темир йўлининг Майский станциясида 7,5 тонна гиёҳванд моддалар қўлга туширилган. Бу катта миқдордаги наркотик модда контейнерда Афғонистондан келтирилган. Лекин гиёҳванд моддани белгиланган манзилга етказиб, ундан катта миқдорда моддий манфаатдорлик кутган жиноий гуруҳларнинг ниятлари шу тахлит амалга ошмасдан қолган. Туркманистоннинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари бундай ҳолатга биринчи бор дуч келишаётгани йўқ, — дейди «Новости» мухбири. Фикримизнинг исботи учун, яқинда Туркманистон орқали ўтадиган яна бир поезд божхоначилар кўригидан ўтказилаётганда унда 7 тонна уксус ангидриди борлиги аниқланиб, қўлга олинган. Уксус ангидриди асосан кучли таъсир этувчи гиёҳванд модда (героин) ишлаб чиқаришда зарур буладиган асосий технологик хомашёдир.

1997 йилда фақатгина Мари вилояти божхоначилари томонидан 20 тонна гиёҳванд моддалар ушлаб қолинган бўлса, 1996 йилда эса Республика бўйича 16 тоннадан кўпроқ гиёҳванд модда қўлга туширилган.

ҚИРҒИЗИСТОНДА

Хитой ҳукумати Қирғизистон билан чегара ҳудудларидаги постларида назоратни янада кучайтиришга қарор қилди. Бунга Афғонистондан Қирғизистон орқали Хитойга кириб келаётган гиёҳванд моддаларнинг бу йил яна кўпайганлиги сабаб бўлган. Қирғизистонда ҳам гиёҳвандлик билан ҳайриқонуний шуғулланиш ҳолатларининг ўсиб бориши, уни етиштирувчилар, ҳамда маҳаллий бангиларнинг кўпайиши ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар олдида катта муаммолар тугдирмоқда. Бу иллат мамлакатда жиноятчилик кўламининг кенгайишига, айниқса, гиёҳвандлик билан боғлиқ халқаро жиноятлар содир бўлишига омил бўлмоқда. Ўтган йили мамлакат ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари томонидан 2 минг 427,6 кг. гиёҳванд модда қўлга туширилди. Бу борадаги раҳамларга назар ташлайдиган бўлсак, Қирғизистонда йил сайин гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятлар, уни ташиш ва истеъмол қилиш ҳолатлари кўлами кенгайиб бораётганини кузатиш мумкин. Масалан, 1993 йилда гиёҳвандлик билан боғлиқ 2145 та жиноят содир этилган бўлса, 1997 йилга келиб эса, бу «кўрсаткич» 3103 тага етган. Мамлакатда гиёҳвандлик муаммолари ва унга қарши кураш олиб борилишига қарамасдан янги-янги гиёҳвандларни ҳисобга олишга тўғри келмоқда. Фактларга суянсак, 1994 йилда мамлакат миқёсида 1590 нафар гиёҳванд ҳисобда турган бўлса, 1997 йил охирида эса уларнинг рўйхатда турганлар сони 3755 нафарга етган. Бангиликнинг оғир, мудҳиш оқибатлари ва унга қарши кураш борасида мамлакатда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилсада, ҳанузгача у ўзининг ижобий натижаларини бергани-ча йўқ.

***

Ўзбекистон ҳукумати гиёҳвандликка қарши кураш, уни йўқ қилиш бўйича халқаро мажбуриятларни оғишмай амалга оширмоқда. Мамлакатимизда гиёҳванд моддаларни назорат қилиш бўйича давлат комиссияси тузилган.

Республикамизда гиёҳванд моддаларни назорат қилувчи Миллий ахборот-таҳлил маркази томонидан наркотикларнинг ноқонуний айланишига, истеъмол қилинишига қарши 2000 йилгача режалаштирилган Давлат Дастури лойиҳаси тайёрланди. Гиёҳвандликни назорат қилиш юзасидан қонунчиликни такомиллаштириш мақсадида Давлат комиссияси қарори асосида Миллий марказ Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда янги қонун лойиҳасини ишлаб чиқди. Ҳар йили гиёҳвандликка қарши кураш учун йирик маблағлар ажратилмоқда. Ҳукуматимиз ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг қатъий саъй-ҳаракатлари натижасида айни шу борадаги жиноятлар сони камайиб бормоқда. Ўтган йиллар Афғонистондан Ғарб давлатларига олиб кетилаётган тонналаб наркотик моддаларнинг қўлга олиниб йўқ қилиб ташланиши Ўзбекистон ҳудуди наркобизнес жиноятчи гуруҳлари учун ўтиб бўлмас тўсиққа айланиб бораётганига ёрқин далилдир.

Зариф МИРЗАҚУЛОВ

«ЮКСАЛ, ЎЗБЕГИМ»

Ўзбек халқининг фанига, маданиятига, маънавиятига улкан ҳисса қўшган атоқли олимлардан бири – Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, фалсафа фанлари доктори, профессор, Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Ҳ.П.Пўлатовдир.

Ҳайдар Пўлатов ҳаёт бўлганида, янги рисолалар, мақолалар билан ўқувчиларни хурсанд қиларди, кўплаб шогирдлар тайёрларди.

1992 йил 4 майда бир гуруҳ олимлар билан биргаликда, миллий маданият ва маънавий мерос муаммоларининг тадқиқотчиси сифатида Ҳайдар Пўлатов Абу Райҳон Беруний номли Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотига сазовор бўлди. Ҳайдар Пўлатов 300 га яқин илмий ва илмий-оммабоп мақолалар муаллифи. 20 га яқин фан докторлари ва номзодларининг илмий раҳбари бўлган.

Ҳ.Пўлатовнинг асарлари жамият, давлат тараққиёти, турмуш тарзи, маданият, маънавиятининг янги қирраларини очишга, янги инсонни тарбиялаш муаммоларига бағишланган эди.

Ҳ.Пўлатов истеъдодли, кенг қамровли, ўзига хос тафаккурга эга файласуф эди. У ҳар доим бошқаларнинг эсига келмайдиган янги ғоялар, теша тегмаган гаплар, иборалар билан кўпчиликни ҳайратда қолдириб юрарди.

Ўзбекистоннинг миллий мустақилликка эришиши Ҳ.Пўлатов дунёқараши, тафаккурида туб бурилиш ясади. Истиқлол байроғи Ҳ.Пўлатовга янги кучқувват берди, уни бениҳоя илҳомлантирди. Мустақиллик Ўзбекистоннинг иқтисодий, ижтимоий, маданий, ҳуқуқий, сиёсий мустақиллигининг жиддий омили бўлишга даъват этилган янги, яхлит маънавиятни ишлаб чиқишга чақирди. «Бунинг учун, – деб ёзган эди Ҳ.Пўлатов, – ҳаммамиз покланишимиз ва янгиланишимиз, ўз соҳамизда ислоҳот ўтказишимиз ва фалсафа, тарих, иқтисод, ҳуқуқ, сиёсатшунослик, адабиёт ва санъатни инсонийлик анъаналари асосида янгилаб, ҳаёт билан боғлашимиз даркор». Бунинг учун Ҳайдар Пўлатов ўз мақола ва рисолаларида ўзбек халқининг ниҳоятда бой маданий, илмий ва маънавий меросини чуқур ва атрофлича ўрганди, улардан янги жамият, янги маданият шакллантиришда кенг фойдаланишга даъват этди. Ўзбекистоннинг мустақил давлатчилиги энди оёққа турётган кунлардан бошлаб, Ҳайдар Пўлатов ўз олдига «миллий уйғониш мафкурасининг шаклланишига баҳоли хизмат қилиш» вазифасини қўйди ва долзарб мавзуларда биринчилардан бўлиб рисола ва мақолалар эълон қилди.

У ифтихор билан «мен ўзбекман», деб, баланд овоз билан хитоб этди. «Бу ном менинг учун виқорли, мўъжизали, жозибали. Чунки, у менинг ижтимоий тақдиримдир. Бу ном менинг биринчи ва охирги тарихий унвоним. Ҳазрати миллатимга мансублигим менинг толеимдир», деб ёзди.

Ҳ.Пўлатов ўз мақолаларидан бирида «мафкуравий ҳукмдорлик»нинг илдизларини очиб беради, унинг сиёсий ва маънавий эркинликларга, ҳурфикрликка кишан солганини фош қилади.

Ҳ.Пўлатов ватанпарвар, ўз халқи, миллатининг содиқ фарзанди эди. «Мен миллатимга мансуб кишилар тақдирини ўз тақдирим тоши билан ўлчайман. Ўзбегим ер қуррасининг қайси бурчида яшамасин, унинг ғам-ғуссасига ҳам, қувончига ҳам шерикман. Чунки, биз шу буюк она миллатнинг фарзандларимиз, жигарбандларимиз» деганда, у мутлақо ҳақ бўлган.

Ҳ.Пўлатов истиқлол, миллий уйғониш даврининг теран фикрли файласуфи, камтарин инсон сифатида баланд овоз ва юксак ғурур билан: «Уйғон ўзбегим! Ғафлатда қолма! Қаддингни ростла, янги тарихингни ярат, юксал, ўзбегим» дея хитоб қилган эди.

Абдулхай ВАЛИЕВ,
ЎзФА мухбир аъзоси

Халқаро мусобақа

«ҚОРА ИЛОН» ҲАМЛАСИ

Мамлакат пойтахтида чин маънодаги катта бокс байрами бўлди. Муҳлислар бу сафар «Юнусобод» спорт кошонасига тўпландилар. Чармқўлқоп усталарининг, яна бунинг устига боксни касб қилиб олганларнинг ўзаро жанги шунчалик оммавийлашиб бормоқдаки, гўё спортнинг бундан бошқа қизиқарли тури йўқдай. Усти берк кошонага йиғилган ишқибозларнинг хайқириғу олқишларидан шуни ҳис этиш мумкин эди. Мусобақа ташкилотчилари тадбирни тантанавор тус олиши йўлида саъй-ҳаракат қилишди. Баҳслар олдидан кўнгилочар ўйинлар ташкил этилди. Каратэчиларнинг кўргазмали чиқишлари, миллионлар учун севимли бўлиб қолган таниқли боксчи, олти карра жаҳон чемпиони Артур Григоряннинг ташриф буюриши кўпчиликни руҳлантириб юборди.

Ўзига хос бокс спектаклини машҳурликка талабгорлик қилаётган спортчилар бошлаб беришди. Майдонга молдован Дмитрий Терзиолог билан ҳамюртимиз Уйғун Сиддиқов таклиф этилди. Баҳс олти раундли бўлиб, тўртинчи раунддаёқ ватандошимизнинг ғалабаси билан якунланди. Бу орада яна бир хушхабар эълон қилинди. Таниқли боксчи Ҳаким Матчонов ўз жамғармасидан сийлов сифатида ҳар бир ғолибга 500 доллардан инъом этиши аён бўлди. Фарҳод Арслонов билан қозоғистонлик Серик Эшмагамбетов бахси кўтаринки руҳда давом этди. Ғолиб сўнгги раундда аниқланиб, Фарҳоднинг қўли кўтарилди. Россиялик Александр Переводчиков билан Фарҳод Бакиров учрашуви ҳам олти раунд давом этди. Фарҳод бу сафар профессионал сифатида ўзининг еттинчи ғалабасини нишонлади. Рихсивой Шомирзаевнинг омади юришмади. У украиналик Виталий Копитков зарбларига дош беролмай, очколар ҳисобида ютқазди.

Бокс томошасининг бош ролларини ижро этишга чоғланган Фурқат Турсунов билан москвалик Сергей Королёвнинг рингга кўтарилиши билан гулдурос олқишлар янгради. Карнай-сурнайлар чалинди. Осиё «Олтин камари» учун жанг қиладиган бу боксчиларнинг учрашуви олдидан ҳар иккала мамлакат давлат гимнлари янграб, байроқлари кўтарилди. Рақиблар бир-бирига муносиб экани шундаки, ёшлари ҳам деярли тенг, ғалабалари ҳам кам эмас. Фақат Фурқат ўзининг накаутли зарб устаси экани билан танилган. У «Трансконтинентал» чемпиони бўлса, Сергей Россия биринчилиги ғолиби. Зеро, Фурқатнинг Берлиндаги «Лог Мите» клубида маҳорат оширгани, у ерда Артур билан бақамти бўлиб тургани ўз самарасини берди.

Гап шундаки, Фурқатни Оврупада бекорга «Қора кобра», яъни «Қора илон» деб эъзозлашмас экан. Унинг худди яшин мисол, аниқ-тиниқ зарбларига ҳамма ҳам дош бераверма йди. Аммо, Сергей жони қаттиқлардан экан. 12-раунд мобайнида боксчимиз ҳамласига чидаб, хавфли зарбларни қўйиб юбормасликка, ҳимояланиб туриб, хужумга ўтишга ҳаракат қилди. Аммо, Фурқатнинг ҳар бир зарби олқишланди. Фақат 11-раундда андак бўшашганга ўхшади. Шундай қилиб, Фурқат ўн олтинчи ғалабага эришиб, Осиё «Олтин камари»ни қўлга киритди. Бу ерда мукофот учун аталган маблағ 60 минг АҚШ доллари экани маълум бўлди. Демак, боксни касб қилганлар беҳудага меҳнат қилишмаяпти.. Бу ўринда халқаро мусобақага ҳомийлик қилган «Kamalak-TV» «Paging-067» фирмалари ҳамда «BUZTEL» қўшма корхонаси ҳимматини ҳам эътироф этиш жоиздир. Бир сўз билан айтганда, муҳлислар мусобақадан мамнун бўлишди.

Мирзо АНВАР

МАРАДОНА ҲУКМ КУТМОҚДА

Асримизнинг сўнгги жаҳон чемпионати бошланиши арафасида футбол юлдузларидан бири Диего Марадона суд ҳукмини кутмоқда. Аргентина олий суди адвокатларнинг навбатдаги тавсияларини рад этди. Энди афсонавий футболчи боши устида адолат қиличи ялтираб турибди.

Гап шундаки, 1994 йилнинг бошларида Диего Марадона навбатдаги жиноятга қўл урганди. У ўта маст ҳолда эди. Ўзининг шаҳар ташқарисидаги ҳовлисида ўзини билмай, гангиб юрарди. Ундан хабар олиш учун қатор аргентиналик журналистлар ташриф буюришди. Лекин Марадона меҳмонларни ўз милтиғидан отилган бир неча ўқ билан «сийлади». Оқибатда журналистлардан тўрт киши енгил ярадор бўлди. Улар ўз навбатида судга мурожаат қилишди.

Суд жараёнида эса прокурор қутурган футболчига тўрт йил қамоқ жазоси берилишини талаб қилди. Уни ҳимоя қилувчи адвокатлар эса бу ишни юқори босқичларда кўриш керакли-гини айтишди.

Мана орадан тўрт йил ҳам ўтди. Мамлакат олий суди энг сўнгги босқичдир. Бир неча кундан сўнг ҳукм эълон қилинади. Футбол юлдузи Диего Марадонанинг эса суднинг сўнгги ҳукмини кутишдан бошқа иложи йўқ.

СПИДГА ҚАРШИ ВАКЦИНА

Америка озиқ-овқат ва медицина дори-дармонлари федерал бошқармаси VAX-GEN Inc компаниясига СПИДга қарши профилактик вакцинани одамларда кенг миқёсда синаб кўришга рухсат берди. «Эйдсвакс» деб номланган вакцина тўла ихтиёрий равишда АҚШликларда синаб кўрилади. Бунда 5 минг кишида синов ўтказилиши мўлжалланмоқда. Шу йилнинг охирларида эса Таиланддаги 2,5 минг кишида ҳам синаб кўрилади. Вакциналаштириш жараёни ва тажриба иштирокчиларини уч йил мобайнида кузатиш ишларига таниқли вирусолог Дональд Фрэнсис раҳбарлик қилади. «Уолл стрит жорнэл» газетасининг ёзишича у Африкада тарқалган «Эбола» вируси ва Ҳиндистонда тарқалган «Оспа»га қарши курашда бой тажриба орттирган.

МИСЛИ КЎРИЛМАГАН ҲАЛОКАТ

Илгари Ганновер билан Гамбург оралиғидаги Эшеде станциясида юз берган темир йўл ҳалокати ҳақида хабар қилган эдик. Ҳозирча 100 дан зиёд одам ҳалок бўлгани, 300 дан зиёд киши оғир жароҳат олганлиги маълум бўлди. Ўта тезкор поездлар Германияда умуман 3512 километр масофага чўзилган трасса бўйлаб кунига 65 минг йўловчини манзилга элтиб қўяди. Айрим участкаларда поездлар тезлиги соатига 250 километрга етади. Германия тарихидаги энг йирик темир йўл ҳалокатининг сабаблари ҳали ўрганилгани йўқ. Бундесвер аскарлари ва Қуйи Саксонияга келган Британия қисмлари қутқарув ишларини олиб боришмоқда. Юзлаб кишилар ихтиёрий равишда бу ишда қатнашишмоқда. Канцлер Гельмут Коль ўзининг Италияга ташрифини тўхтатиб юртига қайтди. Мамлакатда мотам эълон қилинди.

НЕФТЬ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ КАМАЙТИРИШМОҚЧИ

Саудия Арабистони, Мексика ва Венесуэлла вакиллари Амстердам шаҳрида учрашиб, ўз юртларида нефть ишлаб чиқаришни камайтиришга қарор қилишди. Улар келгуси ойдан боқлаб нефть ишлаб чиқаришни кунига 450 минг баррелга камайтиришга келишишди. Асосий мақсад нефть нархининг кўтарилишини кутишдир.

ТАРТИБСИЗЛИК ҚУРБОНЛАРИ

Индонезияда яқинда юз берган тартибсизликлар оқибатида 1200 киши ҳалок бўлди. Мамлакатда ҳозир ҳам оммавий намойишлар, тартибсизликлар давом этмоқда. Унинг иштирокчилари истеъфога чиққан Президент Сухарто устидан суд жараёни бошланишини ва мамлакатда демократик ислоҳотлар ўтказилишини талаб қилмоқдалар. Қуролли кучлар қўмондони намойиш қатнашчиларини қўрқитиб, уларни жиддий огоҳлантирди. Индонезиянинг янги Президенти Юсуф Ҳабибий эса аҳолини ўтган кунларни унутишга ва мамлакат иқтисодиётини қайта ривожлантиришга жалб этди.

ФОЙДАЛИМИ?

Баҳодир Махситов билан суҳбат

ўргатиб фарзандни фойдали меҳнат билан машғул қилишган.

Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм ва бошқа вилоятларда тўй маросимларда полвонлар беллашуви ташкил қилинади. Бундай тадбирларда ёш полвонлару, чавандозлардан тортиб, мўйсафид курашчиларгача иштирок этишади. Юртимизда кураш оммавийлашаётгани ҳам шундан. Мамлакатимизда кураш бўйича халқаро мусобақалар ўтказилмоқда.

Бундай аҳамият берсангиз ана шундай одатларимиз ривожланган вилоятларимиздан чиққан йигитларимизнинг зуваласи пишиқ, илиги бақувват, сиҳати бут эканлигини кўрасиз. Фақат соғлом авлодни тарбиялаш, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришда хосиятли анъаналарга суяниб, баъзи урф-одатларни тартибга солишга тўғри келади.

— Ҳозир республикамизда неча киши жисмоний тарбия билан шуғулланишга жалб қилинган?

— Маълумотларга қараганда олти миллион киши. Бу ҳақиқатми? Йўқми? Йўқ! Бу қоғоздаги холос. Амалдачи? Аслида бу рақам анча кам. Агар юқоридаги рақам тўғри келса, бу республикамиздаги ҳар тўрт кишидан биттаси мунтазам равишда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланяпти, дегани. Қолаверса бу маълумотларга спортчилар, спорт мактаблари тарбияланувчилари киритилган. Умуман ҳақиқий аҳволни билиш, бу масалани тўғри йўлга солиш жуда қийин кечяпти.

Кишиларнинг эрталаб туриб оммавий равишда бадантарбия қилаётганликлари ёки югураётганликларини жуда кам учратамиз. Фақат ўз саломатлигининг қадрига етган кишиларгина турли соғломлаштириш гуруҳларида қатнашадилар. Мана шундай хайрли ишларни йўлга қўядиган пайт келди. Чунки жисмоний тарбия — бу мўъжиза. Кишини ҳар қандай дарддан фориғ қилади. Одамни бардам, чаққон бўлишини таъминлайди. Чарчоқни ёзади, кайфиятни яхшилайди. Соғлом ҳаёт кечиришга ўргатади.



Мухтасар қилиб айтганда: «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонунни унутмайлик. Аҳолини соғломлаштириш — давлатимизнинг устувор сиёсати эканлигини ёдда тутайлик. Ҳокимликлар, вазирликлар, ташкилотлар, маҳалла фаоллари бу ишда бош-қош бўлишлари лозим. Улар аҳолини жисмоний тарбия билан шуғулланиши учун етарли шарт-шароитлар яратиб беришлари зарур.

Қанча гуручдан ош дамлаганимиз, нечта одам айтганимиз билан эмас, эрталаб қанча пайт бадантарбия билан шуғулланганимиз, нечта фарзандимизни бунга жалб этганимиз билан фахрланайлик.

— Ош вақтини қачонга кўчиришни таклиф қиласиз?

— Менимча тушки маҳал ҳамма учун қулай бўлса керак.

Бу фикр-мулоҳазаларга ўз муносабатларини билдириш юзасидан Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутасаддиларига мурожаат қилдик.

ОҚИЛОНА ОВҚАТЛАНИШ АСОСЛАРИ

Эрталабки нонушта ва наҳорги ош бўйича парҳезшунос-шифокор ЎзР ССВ диетология маркази директори, профессор Ш. ЗОКИРХЎЖАЕВ мулоҳазаси:

Маълумки, инсонни соғлом ҳаёт ва узоқ умр кечиришнинг асосий омиллари рационал, яъни оқилона ва тартибли овқатланишдир. Чунки, одам аъзолари (юрак, мия, жигар ва бошқалар) барча хужайралар фаолияти модда алмашинуви жараёнини бир меъёрда кечиши билан боғлиқ бўлиб, у ўз навбатида истеъмол қилинадиган озиқ-овқатларининг таркибига, овқатланишнинг физиологик қоидалари ва тартибларига боғлиқдир. Истеъмол қилинган озиқ-овқатлар танамиз ҳазм аъзоларида парчаланиб, мураккаб боғлиқ ҳаётий жараёндан инсон учун зарур кундалик қувват (энергия), оқсил, углерод, ёғ, микроэлементлар, дармондорилар каби моддаларни ҳосил қилади.

Илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, кундалик энергия одамни касбига, жисмоний ва ақлий фаолиятига боғлиқ ҳолда 2800-5000 килокалорияни ташкил этади ва у кун давомида қуйидагича тақсимланади: 25 фоиз нонушта ҳисобидан, 40-50 тушлик ва 25-30 фоиз кечки овқатланиш ҳисобидан.

Нонуштага мўлжалланган озиқ-овқат маҳсулотлари ўз таркибига кўра енгил хазм бўлувчи ва нисбатан кам энергия ҳосил қилувчи ва ошқозон-ичак ҳаракатини ҳамда ҳазм ширасини фаоллаштирмайдиган бўлиши лозим. Акс ҳолда куннинг асосий қисмида одамни иш фаолияти сусаяди ва ҳазм аъзолари зўриқади. Бу борада наҳорда истеъмол қилинадиган ошлар, маълум даражада одамни физиологик фаолиятига зид ҳисобланади. Чунки, наҳорги ош таркиби ёғ ва углеводларга тўйинган бўлиб, кўп миқдорда энергия ҳосил қилиб, хужайраларни зўриқтиради ва ҳазм аъзоларини зўриқиб ишлаши натижасида организмдаги асосий қон оқими ҳазм аъзоларига йўналади ва бошқа аъзолар -- мия, юрак кабиларда қон миқдори камайиб, улар фаолиятини бузилиши, танамизни толиқиши кузатилади.

Маълумки, нонушта чоғи шартли равишда маълум миқдорда ошқозон шираси чиқади ва у кундалик адекват -- енгил ҳазм бўлувчи озиқ маҳсулотларини (сут маҳсулотлари, манка, гуручли ва сутли бўтқалар, сариёғ, пишлоқ, ширинликлар, тухум) ҳазм қилишга мослашган бўлади. Наҳорги ошларни истеъмол қилганда ушбу ҳазм ширалари етарли миқдорда ишлаб чиқарилмайди ва ҳазм жараёни тўлиқ бўлмай қолади. Бу ҳолат кўпинча ҳазм аъзолари касалликларини юзага келишига олиб келади. Ҳазм жараёни асаб тизими билан узвий боғлиқ бўлиб, наҳорда уйқунинг етарли бўлмаслиги ва асаб фаоллашаётган вақтда ҳазм аъзолари орқали уни зўриқиши, албатта салбий ҳолатларга олиб келади.

Шунингдек, наҳорги ошнинг таркиби ва кулинария технологик жараёнларини ҳисобга олганда ҳам уни барвақт истеъмол қилиниши оқилона овқатланиш тартибларига зиддир.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда наҳорда ош тортиш вақт жиҳатидан инсон танасини биологик маромига мос эмаслиги ва турли ҳазм аъзолари ҳамда модда алмашинуви касалликларини келтириб чиқариши мумкинлиги бонс ошни тушликда истеъмол қилинишини тавсия этамиз.

***

Қадрли муштарийлар! Бу суҳбат сиз учун кутилмаган бўлиши мумкин. Биз наҳорги ошлар республикамиз миқёсида қай даражада урфга кирганлиги билан ҳам қизиқдик. Маълум бўлишича, бу айниқса, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида кенг тарқалган. Бошқа вилоятларда ҳам нисбатан кам бўлса-да, учраб туради. Бунинг диний ёки миллий жиҳатдан асоси борми? У эҳсон тариқасида қилинадими ёки хўжа кўрсингами? Қилинаётган сарф-харажатлар исроф-гарчилик эмасмикин?

Бу тўғрида сиз қандай фикрдасиз? Сизнингча, яна қандай одат ва анъаналаримизни ривожлантиришимиз керагу қайсиларини тартибга келтиришимиз лозим?

Азизлар! Юқорида кўтарилган масалалар сизларни ҳам бефарқ қолдирмайди, деган умиддамиз ва мактубларингизни кутамиз.

Ҳайдар АКБАРОВ суҳбатлашди.

Баҳс, мунозара

МИЛЛИОНЛАРНИНГ БЕОРОМ КУНЛАРИ

ёки Францияда футбол байрами

Ким спортнинг қайси турига ишқибозлик қилади билмадигу, аммо, футболнинг оҳанграбоси бошқача экани сир эмас. Дунёда бирорта мамлакат йўқки, футбол ошуфталари-ю, майдонда тўп сурувчи йигитлари бўлмаса. Кўпинча халқаро ёки жаҳон биринчилиги учрашувлари бошланса, мухлисларга мазза деган ибора ишлатилади. Ўйлаб қарасак, ашаддий ишқибозларга ҳақиқатдан ҳам маззами? Жаҳоннинг қайси бир олис шаҳрида ўтказилаётган ҳал қилувчи ўйиндан бохабар бўлгунча куйинадиган «бечора» мухлисга осон тутиб бўлармиди? Керак бўлса тунни саҳарга улаб мижжа қоқмай, уйда фақат ўзи танҳодек қийқириб, олқишлаб, ҳатто сўкиниб ўтираверади. Бундай ишқибозларнинг оиласида ҳам бетинчлик ҳукмрон деяверинг. Маълумотларга қараганда, Овруپанинг кўпгина оилаларида хотинлар эрларига «шароит» яратиш важидан ёзги таътилни барвақт расмийлаштириб оларканлар. Яна мухлисларга «мазза» дейишади-я. Ахир, телевизорни дарчадан улоқтирганлар камми?! Овқатланишни ҳам унутиб, асаблари толиққандан «жангари» бўлиб қолганлар-чи? Узоққа бориб нима қилдик. Таниқли артист Эргаш Каримовнинг «Ойингникидан олиб келган тошойна қани?» деб бақиришида ишқибозларнинг танг аҳволи намоён эмасми?

Мана шунақа. Эртадан бошлаб, бир ойдан кўпроқ мухлисларнинг оромлари бузилади. Бунинг устига уларга «мазза» бўлсин деб, Ўзбекистон телевидениеси жаҳон чемпионатининг деярли барча учрашувлари — 64 та томошани олиб кўрсатишга шайланиб турибди. Кўрамиз, тиниб-тинчимаган ишқибозлар телевизорни у дастурдан бу дастурга бурайвериб, тоза бетинч бўлишса керагов. Зеро, ишқибозларнинг, умуман футбол ихлосмандлари-ю, мутахассисларининг бу кунларни орзиқиб кутганларича бор. Чунки, бундай футбол байрами 4 йилда бир маротаба бўлади. Қизиғи шундаки, XVI-марта ўтказилаётган Франциядаги чемпионат асримизнинг сўнгги беллашувлари бўлиб қолади. Жаҳоннинг қарийб 200 мамлакатидан Францияга бориш учун қатъий бел боғлаган ўнлаб футбол жамоалари орасидан сараланиб, энг кучлилар — 32 нафар терма жамоа чемпионликни орзу қилиб турибди. Бу жамоалар тўрттадан саккиз гуруҳга бўлинган. Аввал ана шу гуруҳларда саралаш баҳслари бўлади. Омади келган жамоа гуруҳ ғолиби сифатида нимчорак финалга чиқиб, курашни давом эттиради. Умуман чемпионатнинг финал босқич учрашувлари муросасиз ва бетакрор бўлиши мухлисларга аён.

Ҳар бир гуруҳ ташланган қуръага кўра, ўзига хос жамланган. Шундай бўлсада, мухлислар улар орасида осонроқ ва қийин гуруҳлар ҳам бор дейишмоқда. Айтайлик, «А» гуруҳида Бразилия билан Шотландия кучлилар сафида бўлишга талабгорлик қилса, «В» гуруҳида Италия, Чили, балки Камерун жамоалари ўзларини кўрсатишлари мумкин. «Е» гуруҳи ҳам Голландия, Бельгия, Жанубий Корея ва Мексика каби кучлилардан таркиб топганки, улардан қайси бирини финал гуруҳга ўтишини вақт кўрсатади. Бошқа гуруҳларда ҳам Германия, Югославия, Испания, Болгария, Франция, Дания, Англия, Руминия, Аргентина каби жамоаларни бўш келмасликка ҳаракат қилишлари табиий. Бир сўз билан айтганда, эртадан бошлаб, ҳақиқий футбол спектакларини намойиш этиш бошланадики, ишқибозларга асло монелик қила кўрманг! Акс ҳолда ашаддий мухлислар ҳеч нарсадан тоймайдиганлар тоифасига кирадилар-а!

Ҳайдар НОСИРОВ

FRANCE 98
COUPE DU MONDE

ОЙНАИ ЖАҲОН ҚАРШИСИДА

I-дастур

10 июнь	23.40 Бразилия-Шотландия
11 июнь	23.40 Италия-Чили
12 июнь	23.40 С.Арабистони-Дания
13 июнь	14.05 Парагвай-Болгария (такрор)
13 июнь	23.40 Ж.Корея-Мексика
14 июнь	14.05 Испания-Нигерия (такрор)
14 июнь	23.40 Югославия-Эрон
15 июнь	14.05 Аргентина-Япония (такрор)
15 июнь	23.40 Руминия-Колумбия
16 июнь	14.05 Англия-Тунис (такрор)
16 июнь	23.40 Шотландия-Норвегия
17 июнь	23.40 Чили-Англия
18 июнь	23.40 Ж.А.Р.-Дания
19 июнь	23.40 Нигерия-Болгария
20 июнь	23.40 Бельгия-Мексика
21 июнь	14.05 Япония-Хорватия (такрор)
21 июнь	23.40 Германия-Югославия
22 июнь	14.05 Аргентина-Ямайка
22 июнь	23.40 Колумбия-Тунис
23 июнь	22.00 Италия-Австрия
24 июнь	22.00 Франция-Дания
25 июнь	14.05 Нигерия-Парагвай (II-тайм)
25 июнь	22.00 Голландия-Мексика
26 июнь	14.05 Германия-Эрон
26 июнь	22.00 Аргентина-Хорватия
27 июнь	23.00 1/8 финал
28 июнь	23.00 1/8 финал
29 июнь	23.00 1/8 финал
30 июнь	23.00 1/8 финал
1 июль	23.00 1/8 финал
3 июль	23.00 1/4 финал
4 июль	23.00 1/4 финал
8 июль	23.40 ярим финал
13 июль	23.40 финал (такрор)

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Ҳатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Ҳайдар НОСИРОВ, навбатчи Абдумалик ҲАЙДАРОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120
Газета офсет усулида, А—2 форматда, 27.543 нусхада босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 080

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 23.00.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

ГУРУҲЛАРДА САРАЛАШ БАҲСИ

№	А гуруҳ	1	2	3	4
1	Бразилия	■	10.06	16.06	23.06
2	Шотландия		■	23.06	16.06
3	Мороккo			■	10.06
4	Норвегия				■

№	В гуруҳ	1	2	3	4
1	Италия	■	11.06	17.06	23.06
2	Чили		■	23.06	17.06
3	Камерун			■	11.06
4	Австрия				■

№	D гуруҳ	1	2	3	4
1	Испания	■	13.06	19.06	24.06
2	Нигерия		■	24.06	19.06
3	Парагвай			■	12.06
4	Болгария				■

№	С гуруҳ	1	2	3	4
1	Франция	■	12.06	18.06	24.06
2	ЖАР		■	24.06	18.06
3	Сауд.Араб			■	12.06
4	Дания				■

№	Е гуруҳ	1	2	3	4
1	Голландия	■	13.06	20.06	25.06
2	Белгия		■	25.06	20.06
3	Жан.корея			■	13.06
4	Мексика				■

№	G гуруҳ	1	2	3	4
1	Руминия	■	15.06	22.06	24.06
2	Колумбия		■	26.06	22.06
3	Англия			■	15.06
4	Тунис				■

№	F гуруҳ	1	2	3	4
1	Германия	■	15.06	21.06	25.06
2	АҚШ		■	25.06	21.06
3	Югославия			■	14.06
4	Эрон				■

№	Н гуруҳ	1	2	3	4
1	Аргентина	■	14.06	21.06	26.06
2	Япония		■	26.06	20.06
3	Ямайка			■	14.06
4	Хорватия				■

ЧЕМПИОНАТНИНГ ФИНАЛ ЎЙИНЛАРИ



КУТИЛМАГАН ЛАҲЗАЛАР



«ФУТБОЛ» ЎЙЛАНМАСИ

Азиз муштарий! Жавобларни шаклга «занжир» ҳолида ёзиб, ўйланмани ҳал этинг.

1. XVI жаҳон чемпионати ўтказиладиган мамлакат. 2. КОНКАКАФ жамоаларидан бири. 3. Мехикодаги улкан футбол иншооти. 4. «Олтин бутси» совринини таъсис этган, спорт буюмлари ишлаб чиқариш фирмаси. 5. Чили терма командаси сафида кўп бор майдонга тушган футболчи. 6. 1930 йил бўлиб ўтган I-жаҳон чемпионатида энг кўп тўп киритган ҳужумчи. 7. Югославиялик футболчи, VII жаҳон чемпионати тўпурарларидан бири. 8. Овропа терма жамоасининг XX аср рамзий таркибидан ўрин олган инглиз футболчиларидан бири. 9. 1934 йилги Италия чемпионатининг чехословакиялик тўпурари. 10. Жаҳон чемпионлигини уч бор қўлга киритган мамлакат. 11. Жаҳон чемпионати финал ўйинларида 900-тўпни киритган аргентиналик футболчи. 12. XIII жаҳон чемпионати кезлари тузилган рамзий терма жамоадан ўрин олган фаранг футболчиси. 13. XV-жаҳон чемпионати ўтказилган АҚШнинг Детройт шаҳри стадиони. 14. Аргентиналик футбол юлдузи. 15. Жаҳоннинг икки бор жаҳон чемпиони бўлган жамоа. 16. Венгриялик собиқ тўпурар. 17. Бу йилги терма жамоага киритилган француз ҳимоячиси. 18. Футбол майдони қисми. 19. Кўп бор майдонга тушган италиялик машҳур дарвозабон. 20. «Франция-98» чемпионати тимсолининг номи. 21. Жаҳон рамзий терма командаси таркибига кирган бразилиялик футболчи. 22. Англиялик моҳир дарвозабон. 23. XVI-чемпионат ўйинлари бўлиб ўтадиган шаҳарлардан бири. 24. Футбол анжоми. 25. Халқаро футбол федерациясига асос солинган шаҳар. 26. Франция терма жамоаси таркибидаги ҳужумчи.

Энди ўйланма жавоблари асосида қуйидаги рақамлар жуфтини (биринчиси сўз, иккинчиси ҳарф тартибини англатади) ҳарфлар билан алмаштириб топшириқни ҳал этинг.

1-3; 6-4; 3-4; 8-4; 16-3;
10-4; 5-5; 19-3; 13-2; 9-2; 26-3;
15-3; 4-1; 11-2; 18-2; 12-1; 15-3; 20-4; 14-7; 25-2;

Улардан жаҳон футбол чемпионатининг совринни -- «Олтин маъбуда» кубоги ва ФИФАнинг ҳозирги кўчма кубогини ясаган заргар усталар номи аён бўлади.



МУАММОНОМА

Аввал қуйида таърифланиб рақамларда ифодаланган сўзлардан иборат очқични ҳал этинг.

1. Ўзбек спорт шарҳловчиларидан бири -- 1, 14, 12, 6, 19. 2, 20, 6, 20, 14, 13, 7, 1, 24, 23.

2. XVI жаҳон чемпионатининг африкалик вакилларидан бири -- 20, 1, 19, 6, 16, 1, 22.

3. Жаҳон чемпионати финал ўйинларида ўн учта тўп киритиб рекорд ўрнатган франциялик футболчи -- 11, 6, 3, 4, 9, 3.

4. Тенг натижа билан тугалланган ўйин -- 17, 5, 19, 1, 3, 18.

5. Футбол маршини ёзган бастакор -- 12, 8, 1, 3, 4, 24, 19.

6. Ўзбекистонда илк футбол жамоалари тузилган шаҳар -- 21, 13, 21, 6,3.

7. Футбол майдони, иншоот -- 13, 10, 2, 3, 18, 6, 15.

Очқичдаги жавоб сўзлари асосида шакл атрофидаги рақамларни мос ҳарфлар билан ёзиб, муаммономани ечинг. Бундан миллионлар ўйини ҳақидаги нақл ва унинг муаллифи аён бўлади.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ

МИШЕЛЬ ПЛАТИНИ НЕГА ҒАЗАБЛАНДИ?

Машҳур футболчи, Франция терма командасининг юлдузларидан бири, Францядаги жаҳон чемпионатини ўтказиш ташкилий қўмитасининг ҳамраиси Мишель Платини Парижнинг жанубий қисмида халқаро матбуот маркази очилишига бағишланган йиғилишда ғазаб билан бундай деди:

«– Бу иш ташлаш оқибатида бутун мамлакатимиз гаровда тургандек бўляпти».

Гап «Эр Франс» авиакомпанияси учувчиларининг бевақт иш ташлаши ҳақида боряпти. Улар авиакомпания раҳбарларини чиқимдор қилишга, ўз талабларини бажаришга мажбур қилишмоқчи. Худди шу боис ҳам иш ташлашни июнь ойи бошларига, жаҳон чемпионати остонасига мўлжаллашганди.

Бироқ, жаҳон кубоги учун қизғин баҳслар таҳдидларга қарамай амалга ошади. Бинобарин, улкан спорт анжумани айрим кимсаларнинг тор доирадаги манфаатларидан ҳоли ўлароқ ўз йўлида давом этаверади.

Мишель Платининнинг ғазабланишига эса асос бор. Хўп, хорижликлар жаҳондаги бошқа компанияларнинг авиалайнерларида Парижга келиб олишади. Бунда асосий муаммо уларнинг мамлакатдаги тўққизта шаҳарга қандай қилиб қатнашларида. Қатновларнинг тўқсон фоизини «Эр Франс» амалга оширади. Агар муаммо ҳал этилмай қолса, албатта темир йўл ва автомобиль транспорти бор. У ҳолда бу транспорт воситаларй зиммасига ўта оғирлик тушади. Ҳозирча можаро ҳал бўлгани йўқ. Ҳукуматнинг аралашувига қарамай музокаралар кўнгилдагидек натижа берганди.

Ҳа, жаҳон футболи байрами ана шундай қувончли бўлмаган воқеалар билан бошланмоқда. 10 июндан 12 июлгача давом этадиган қизғин баҳсларни икки ярим миллиондан зиёд ишқибоз бевосита томоша қилиши кутилмоқда. Барча қитъалардаги 100 миллионлаб кишилар эса ўз телевизорлари орқали кузатиб боради. Французлар чемпионатни ташкил этишга маблағни аяб ўтиришмади. Улар мавжуд спорт иншоотларини янгилаш учун тўққиз миллиард франкдан зиёд (бир ярим миллиард доллардан кўпроқ) сармоя ажратишди. Биргина якунловчи, финал учрашуви ўтказиладиган «Стад де Франс» стадионининг ўзига тўрт миллиард франкдан зиёд маблағ сарфланди. Албатта, пул ҳисобини яхши биладиган французлар харажатларни қоплаб, ҳатто даромад ҳам олишмоқчи.

Айтмоқчи, «Қора бозор»да асосий ўйинлар учун чипталарнинг нархи кун сайин эмас, балки соат сайин ўсмоқда. Масалан финал учрашувига бир чиптанинг нархи дастлаб уч минг франкка яқин эди. Ҳозир эса чайқовчилар унинг нархини 18-20 минг франкка кўтариб қўйишди. Бу уч минг доллар дегани. Айниқса, чемпионат рамзи туширилган маҳсулотлар катта фойда келтириши кутилмоқда.

Франция Президенти Жак Ширак эса чемпионатнинг кўнгилдагидек ўтишидан хотиржам. У куни-кеча Клерфонтен деб номланган жойдаги ўз мамлакати терма командасининг меҳмони бўлди. Унинг бош мураббийси Эме Жаке ва футболчилар билан учрашди. Улар билан пиво ҳам ичди.

Мана, ниҳоят кўпдан орзиқиб кутилган дамлар ҳам етиб келди. Ушбу футбол байрами ўз гўзаллиги, таровати билан бутун жаҳонни қамраб олади. Ҳатто урушлар, можаролар билан банд бўлганлар ҳам бундан буён тинч, музокаралар йўлига кирадилар, деган умидлар бор.

Хорижий матбуот материаллари асосида тайёрланди

МУАЛЛИМЛАР МАЙДОНГА ТУШГАНДА

Ғани Даминов номидаги Жиззах индустриал техникумида вилоятдаги ўрта махсус ўқув юртлари ўртасида биринчи марта мини футбол бўйича биринчилик ўтказилди. Майдонга талабалар эмас, техникумнинг раҳбарлари ва ўқитувчилари чиқишди. Ҳамма ўйинларни ғалаба билан якунлаган техникум жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Механика бўлимининг муаллимлари иккинчи ўринда қолишди. Учинчи ўрин ошпазлардан тузилган жамоа аъзоларига насиб этди. Ғолибларга эсдалик совринлари ва пул мукофоти топширилди.

Абдуғаффор ОМОНБОЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги «Осиё Тур ЛТД» масъулияти чекланган жамиятнинг думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши МК ҳамда партиянинг республика Олий Мажлисидаги фракцияси аъзоси, Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш Давлат ҳиссадорлик бирлашмаси бош директор В. П. Кучеровга онаси Александра НИКОФОРОВНАнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Мамлакатимиздаги энг йирик, аъло сифатли қаттиқ ёқилғи ишлаб чиқарувчи

«КЎМИР» АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ

Ангрендаги каолин — кўмир конидан кўмирни қазиб олиш жарёнида дастлабки каолинни қайта ишлаб майдаланган каолин ва кварц қумларини ишлаб чиқаради

ИККИЛАМЧИ МАЙДАЛАНГАН, БОЙИТИЛМАГАН

КАОЛИН

«Кўмир» акционерлик жамияти амалда чекланмаган миқдордаги каолин хом ашёси заҳираларига эга бўлиб, улар республикадаги ягона Ангрен каолин-кўмир конларидан қидириб топилган. Йил давомида «Ангрен» конидан кўмир қазиб олиш вақтида 5 миллион тонна каолин ажратиб олинади. Бугунги кунга келиб бу маҳсулот кўп мақсадларда ишлатишга мўлжалланган минерал хом ашё ҳисобланади. Ангрен каолинлари ҳозирда ўнга яқин соҳаларда ишлатишда муҳим хом ашё ҳисобланади. Айниқса, минерал таркибининг физик-кимёвий хусусиятлари бойитилмаган ҳолда ҳам ишлаб чиқариб ишлатишга имкон беради.

КВАРЦ ҚУМЛАРИ

0, 04-2,5мм ҳажмдаги дона-дона бўлган бу хом ашё бино ва иншоотларнинг турли устки элементи сифатида ташқи ва ички томонларини таъмирлашда ишлатиш мумкин. У шунингдек, қурилиш керамикаси, цемент ва асфальтбетон тайёрлаш учун ҳам яроқлидир.

«Кўмир» акционерлик жамияти майдаланган каолин ва кварц кумларини Ўзбекистон Республикасидаги барча корхоналарига ҳамда хориж мамлакатларига келишилган шартнома асосида СОТАДИ.

Мижозлар иккиламчи каолин ва кварц қумларини турли тармоқлар ишлаб чиқаришда ишлатишнинг мақсадлари хусусида тўлиқ маълумотларни олишни хохласалар, қуйидаги манзилга мурожаат этишлари мумкин:

Ўзбекистон республикаси, Тошкент вилояти, 700011, Марказ-14, 27-уй.
Телефонлар: (3712) 144-55-79, 144-57-05, факс: (3712) 41-85-56, 144-20-80.
«Кўмир» акционерлик жамияти юртимиздаги ҳамма қизиқувчи корхона, фирма раҳбарларини ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишга ТАКЛИФ ЭТАДИ.